

Ботирнинг дўстларини яши таниганлиги сабабли отаси рухсат берди. Ботир уйдан чиқаётиб, ошхонадаги иккита пичоқни кийимлари орасига солиб чиқди. Лекин кўп қаватли уйга эмас, балки доим ўзлари йиғиладиган интернет-кафега келишди.

8 бет

Орадан ойлар ўтди. Аммо ваъда қилинган ойликдан дарак бўлмади. Самаахўжа белгиланган нормани бажармаганларни уриб-сўкиб, кечаси мажбурлаб, юк орттирарди. Очликдан силласи қуриган йигитлар ахлат тўпланадиган жойни типиб, у-бу нарса топиб ейишарди.

9 бет

Mustaqillik huquq demakdir

Ҳуқуқ



1997-yil 27-avgustdan chiqra boshlagan

www.huquq-gazeta.uz

2013-yil 19-sentabr, №38 (871)

Ифтихор

Анжуман

Қадр-қимматим, таянчим ва
ифтихоримсан, мустақил
Ўзбекистон!



Инсон ҳуқуқларини таъминлаш омили

Мурожаат этиш фуқароларнинг Конституцияда белгилаб қўйилган ҳуқуқи бўлиб, бу ҳуқуқий-демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш йўлидан изчил бораётган давлатимиз омма билан алоқасининг муҳим шакли, демократиянинг яққол кўриниши ва халқимиз ижодий фаоллигининг белгисидир.

Янги тахрирдаги "Прокуратура тўғрисида"ги Қонунда прокуратура органлари фуқароларнинг ариза ва шикоятларини ҳамда давлат, жамоат ва бошқа ташкилотларнинг мурожаатларини кўриб чиқадилар ва ҳал этишнинг бошқа тартиби белгиланмаган бўлса, фуқаролар ҳамда ташкилотларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш чора-тадбирларини кўрадилар, дейилган.

2002 йил 13 декабрда янги тахрирда қабул қилинган "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонун Конституциямизнинг ҳуқуқий механизмининг таъминловчи ҳамда давлат томонидан фуқаролик жамиятини шакллантиришда шахс фаоллигини кафолатловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатдир. Қонунда фуқаролар ҳамда давлат органларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлашда, уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига оғишмай риоя этилишига оид нормалар ўз ифодасини топган.

Шундай экан, жойлардаги мутасаддилар мурожаат қилувчининг арзини, талаб ва илтимосини эшитишлари, улар асосли бўлса, жойида ҳал қилишлари лозим. Бунинг учун маҳаллий раҳбарлардан эътибор ва масъулият талаб этилади. Президентимиз таъбири билан айтганда, раҳбар ўз масъулияти ва жавобгарлигини, аввало, ўз виждони олдида, унга ишониб юрган одамлар ва эл-юрт олдида чуқур англаши керак.

Вилоят прокуратураси органлари томонидан фуқаролар ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашда Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонуни, Бош

Бахтиёр САМУКОВ,
Қашқадарё вилоят прокурори
вазифасини бажарувчи

прокурорнинг 2004 йил 10 декабрдаги "Фуқаролар ва юридик шахсларнинг мурожаатлари кўриб чиқишида қонунийликни таъминлаш тўғрисида"ги 37-сонли буйруғи талабларидан келиб чиққан ҳолда назорат фаолияти амалга оширилмоқда. Фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлашда асосий эътибор уларнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва шахсий ҳуқуқлари ҳамда эркинликларининг таъминлашига қаратилмоқда.

Таҳлилларга кўра, вилоят прокуратураси органларига 2013 йилнинг ўтган 6 ойида 14 054 та мурожаат келиб тушган бўлиб, шундан 8 958 тасини дубликат аризалар ташкил этган. 1 486 та ариза ва шикоятлар бевосита прокуратура органларида ҳал этилган. Уларнинг 325 таси қаноатлантирилган, 392 таси рад этилган, 769 тасига тушунтириш берилган, 189 таси жиноят ишларига қўшилган, 7 353 таси эса ҳал этиш учун бошқа муассасаларга юборилган.

/Давоми 4-бетда/

Бугунги кунда бозор муносабатларининг ривожланиши ва фуқаролик жамиятининг шаклланиши ҳакамлик судлари фаолиятининг муҳокамасини ривожлантириш заруритини келтириб чиқарди. Жорий йилнинг 12-13 сентябрь кунлари Ўзбекистон Ҳакамлик судлари Ассоциацияси қошидаги Ҳакамлик судлари Академияси ва Германия Федератив Республикасининг Ф.Эберт жамғармаси билан ҳамкорлигида "Ҳакамлик судларининг фаолияти ва уларнинг ривожланиш истиқболлари: халқаро тажриба ва амалиёт" мавзусида халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Халқаро тажриба ва амалиёт

Маърузачилар мамлакатимиз Президенти Ислон Каримовнинг "Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони асосида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Ҳакамлик судлари тўғрисида"ги Қонуни кучга кирганидан сўнг Ўзбекистонда ҳакамлик судлари ривожланишининг янги босқичи бошланганлигини, шунингдек, мамлакатимиз истиқлол йилларида жамият ҳаётининг барча соҳаларида, жумладан иқтисодий ва ҳуқуқий соҳада туб ўзгаришлар амалга оширилганлигини таъкидлаб, бунинг натижасида фуқаролар ва ҳўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида суд тизими шакллантирилаётганлигини эътироф этдилар.

Тадбирда таъкидланишича, Ўзбекистон Ҳакамлик судлари Ассоциацияси республика ва хориждаги турли йирик ташкилотлар билан ҳамкорлик қилмоқда. Жумладан, Сингапур халқаро арбитраж маркази, Европа Арбитраж Палатаси (Бельгия), Халқаро Арбитраж Ассоциацияси (Бельгия), Франция Арбитраж Ассоциацияси, Чехия Республикаси савдо ва қишлоқ ҳўжалик палатаси ҳузуридаги арбитраж суди, Япония тижорат арбитраж Ассоциацияси, Варшава миллий арбитраж суди (Польша), Чехия савдо палатаси ва Чехия Республикаси қишлоқ ҳўжалик палатаси ҳузуридаги арбитраж суди, Америка арбитраж Ассоциацияси, Қозғистон Республикаси савдо-саноат палатаси ҳузуридаги арбитраж суди, Австрия, Хиндистон, Хитой каби йирик халқаро арбитраж марказлари билан ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги келишувлар имзоланган. Бугунги кунда эса Финляндия, Швеция ва Германия каби давлатларнинг арбитраж институтлари билан ҳамкорлик ўрнатиш бўйича музокаралар олиб борилаётди.

Анжуман якунида мазкур халқаро илмий-амалий конференция Ҳакамлик судлари Академиясининг халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлиги йўлидаги муҳим қадамлардан бири эканлиги эътироф этилиб, ўзаро тажриба алмашишда муҳим омил бўлиб хизмат қилиши айтиб ўтилди.

Қонун ижросига бағишланди

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини тартибга соладиган қонун ҳужжатлари ижросини таъминлашда қўмитанинг назорат-таҳлил ишлари якунларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Тадбирда мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлаш доирасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини ташкил қилиш ва улар фаолиятининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга доир изчил ишлар амалга оширилаётгани таъкидланди.

Йиғилишда қайд этилган ҳудудларда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига доир қонун ҳужжатлари ижросини ўрганиш давомида жойларда аниқланган айрим камчиликлар ҳам муҳокама этилди.

Ўз мухбиримиз

Хорижга чиқишда лоқайд бўлманг!

Мана бир, неча йилларки, одам савдоси жинояти дунёдаги энг глобал муаммо бўлиб қолмоқда. Маълумотларга кўра, йилига ер юзига 2,5 миллиондан зиёд киши ушбу жиноятдан жафо чекаётди. Аслини олганда эса ҳуқуқ ва бурчлари кафолатланган, қадр-қиммати эъзозланаётган инсонларни сотиб юбориш ёҳуд сотиб олиш ҳеч бир давлатнинг қонунчилигига тўғри келмайди.

Амалдаги қонунларимизга кўра, четга ишлаш учун чиқиш Ўзбекистон Республикаси аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ва меҳнат вазирлиги ҳузуридаги ташқи меҳнат миграция агентлиги орқали амалга оширилади. Бу, ўз навбатида, ўша фуқароларнинг хорижда ҳам давлатимиз ҳимоясида бўлишини таъминлайди. Аммо ана шундай қулай имкониятларга қарамай, айрим ҳамюртларимиз одамфурӯшлар алдовига учиб, уларнинг тўғрига илинмоқдалар.

Мадина Қобулова (исм-фамилиялар ўзгартирилган) муқаддам фирибгарлик жиноятини содир этиб, икки марта судланган, амнистия тўғрисидаги қарорга кўра жиноий жавобгарликдан озод этилган эди. Бироқ, у бу имкониятдан ўзига тегишли хулоса чиқариб олмади. Аксинча, атрофига ўзига ўхшаган аёлларни

тўплаб, одам савдоси билан шуғулланиб, яна жиноятга қўл урди. Бу ишда унга Туркия давлатида яшаётган қизи Зарифа қиндан кўмак бериб турди.

М.Қобулова дастлаб ўз жияни Лолани алдашга муваффақ бўлди. Жиянининг келиб, ҳасрат қилгани унга қўл келди. Лола турмуши бузилганидан кейин уйдагилари билан муро-са қила олмаётганини айтиб, аммасига шикоят қилади.

— Рўзғори бузилганлар ўзи шунақа вазиятга тушиб қолади, — унинг кўнглини кўтаришга тушди амма. — Хоҳласанг, сени хорижга ишлашга юбораман, — дея жиянининг кўнглига қўл солди. Бу таклифни қутмаган Лола аввалига шошиб қолди. Кейин харажатларга пули йўқлигини айтган эди, аммаси ҳамма харажатларга ўзи ёнидан сарфлаб, жўнатишини таъкидлади-да, сўнгра қизи Зарифага учра-

шишини, у бирор йил топиб беришини, у ерда ойига 600-700 доллардан топишини айтди. Бир-икки йил ишласа, яхши пул топиши мумкинлигини уқтириб, уни янада қизиқтирди. М.Қобулованинг гаплари шунчалар рост чиқдики, Лола қандай қилиб рози бўлиб қолганини ўзи ҳам билмай қолди. Чунки ота-онаси билан турмуши тўғрисида тортишавериш унинг жонига теккан эди.

Бу орада Мадина Наманган шаҳрида яшовчи яна икки аёлни турли ваъдалар билан хорижга бориб ишлашга кўндирди ва 2012 йилнинг баҳор фасли бошларида уларни жияни Лола билан бирга Дубай шаҳрига жўнатиб юборди. Улар эса "Ахир бизни Туркияга ишга юборишга эди. Нега энди Дубайга келиб қолдик?" деб ўйлаб ҳам кўрмадилар. Дубайда уларни Зарифа кутиб олди. Паспортларини олиб қўйиб, очик-сочик кийимларни кийдирди-да, мижозларнинг кўнглини овлашга мажбур қилди. Бундан заррача хабарлари бўлмаган қизлар "онангиз у ерда энгалик ёки уй тозаловчилик қиласизлар, дегандилар" дея бу ишдан бош тортишди.

Дўқ-пўписалардан сўнг,

қизлар ноилоҳ унинг шартларини бажариб, бир неча ойда Зарифа учун 5000-6000 АҚШ долларидан ишлаб беришди. Жиноий гуруҳ аъзолари яна бир неча марта Ўзбекистондан Зарифанинг шериги бўлган Марям Шаропованинг хонадонидан хорижда ишлаш иштиёқидида бир неча аёлларни Дубайга олиб боришди.

Жиноий гуруҳ аъзолари ўз ҳамюртларининг танасини солиш эвазига анчагина пул ишлаб олмоқчи эдилар. Жабрдийдаларнинг бахтига ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари одамфурӯшларнинг фаолиятига чек қўйди.

Жиноятчиларнинг қилмишлари фаш этилиб, уларга тегишли жазо ҳам тайинланди. Бироқ, бир ҳолат кишини ўйга солади. Нима учун ақли расо одамлар юқоридаги каби кимсаларнинг алдовига лаққа тушиб, уларнинг тўғрига илиниб юрадилар?! Бунга аввало уларнинг ўзлари, лоқайдликларини, ўз ҳуқуқларини тўла англаб етмаслиги, мамлакатимизда инсон манфаатлари йўлида яратилаётган қулай шарт-шароитлардан фойдалана олмамликлари юқоридагидай аянчли ҳолга тушишларига сабаб бўлган.

Зиёдулло Юлдашев,

Наманган вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи вазиасини бажарувчи

Ҳуқуқий саводхонлиги юқори, юксак маънавиятли кишигина бундай алдовларга учмайди. Шунинг учун ҳам прокуратура органлари ходимлари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа хизмат вакиллари билан ҳамкорликда корхона ва ташкилотларда, маҳаллаларда фуқаролар билан учрашувлар ташкил этиб, "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Қонун бўйича кенг кўламда тарғибот ишларини олиб боришга ярашади. Уларга қонунлар ус-туворлиги замирида инсон шайни, қадр-қиммати, ҳуқуқ ва эркинликлари мўжассам экани ҳамда уларни чуқур ўрганиш лозимлигини тушунтирмоқдалар.

Дарҳақиқат, ҳуқуқий билим-ли инсон нафақат мамлакат ичкариси, балки ташқарисида ҳам ўз ҳуқуқ ва бурчларини тўла англаб етати, уни тўла амалга оширади. Қолаверса, давлатимиз нафақат Ўзбекистонда, балки хорижда ҳам ўз фуқароларининг ҳуқуқий ҳимоясини кафолатлайди.

Текин олтин «шайдо»лари

Деновлик Шомил Тўхтаев, Олим Ҳалимов ва Фарҳод Нозимовлар (исм-фамилиялар ўзгартирилган) осон бойлик орттириш мақсадида ўзаро жиноий тил бириктириб, қингир ишни пухта режалаштиришди. "Қаловини топсанг, қор ҳам ёнади" деган нақлни ўзларича талқин қилган ҳамтовоқлар ноқонуний йўл билан пул топишини ўзлашга касб қилишди.

Улар биргаликда Навоий вилоятидаги "Навоий тоғ кон металлургия" комбинатига қарашли алоҳида муҳофаза этиладиган худудлардан таркибиде олтин заррачалари бўлган кумни олиб келишди. Бироқ, улар лицензия олиниш шарт бўлган фаолият билан махсус рухсатнома олма-дан шуғулланишди. Таркибиде олтин зарралари бўлган кумларни уйларига қўлбола усулда тайёрланган махсус цехда ювиш орқали олтин кукунини ажрати олишди. Бу қимматли металл кукунларининг ҳар бир

граммининг 80 мингдан 130 минг сўмгача сотишади.

Шунингдек, улар фаолиятлари давомида олтин кукунларини соф куйма олтин шаклига келтириб, тергов жараёнида аниқлашнинг имкони бўлмаган шахсларга йиллар давомида пуллашган. Бунинг оқибатида гуруҳ аъзолари жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириб, ўз фойдаларига ишлатишган.

Халқимизда "Бузоқнинг юргани сомонхонагача" деган ибора бежизга айтилмаган. Уюшган гуруҳ кирдиқорлари

Жалол БОБОЕВ,

Бўхоро вилоят прокуратураси бўлим терговчиси

СВОЖДЛҚК департаменти Бўхоро вилоят бошқармаси ҳамда вилоят ички ишлар бошқармаси тезкор ходимлари томонидан ўтказилган тадбир жараёнида фаш этилди.

Суд жараёнида судланувчилар Ш.Тўхтаев, О.Ҳалимов ва Ф.Нозимовлар ўз айбларига тўлиқ иқдор бўлишди. Судланувчи Ш.Тўхтаев бундай "тадбиркорлик" билан 2007 йилдан бери шуғулланиб келаётганини билдирди.

Суд ҳукми ўқилиб, судланувчилар Ш.Тўхтаев, О.Ҳалимов, Ф.Нозимовлар Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг тегишли моддалари билан жазога тортилдилар.

Ножўя ҳаракат доимо панд беради

Тадбиркорликка қўл уришдан олдин унинг қонун-қондаларини обзон ўрганиш лозим. Акс ҳолда, қилиб-билмай жиноий фаолиятга йўл қўйиш ҳеч гап эмас.

СВОЖДЛҚК департаментининг Узун туман бўлими ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари билан ҳамкорликда ўтказилган тезкор тадбирда яқка тартибдаги тадбиркор А.Содиқов савдо дўкониде фуқароларнинг пластик карточкасида бўлган пул маблағларини ноқонуний равишда фойз эвазига нақдлаштириш фаолияти билан шуғулланиб келаётганлиги аниқланиб, воқеа жойидан 192 донда пластик карточкалар, савдо терминнали ва нақдлаштириш мақсадида сақланаётган 2.4 млн. сўм миқдордаги нақд пул ашёвий далил сифатида олиб қўйилган.

Терговолди текширув ҳаракатлари жараёнида маълум бўлишича, қонунбузар илгари маъмурий жазога тортилган бўлса-да, бундан ўзига тегишли хулоса чиқармасдан, назорат қилинмайдиган фойда олиш мақсадида фуқароларга тегишли пластик карточкалардаги 34.400,0 минг сўм пул маблағларини нақдлаштирган экан.

Шунингдек, департаментнинг Музратот туман бўлими ходимлари томонидан фуқаро Х.Каримованинг аризаси юзасидан ўтказилган тадбирда яқка тартибдаги тадбиркор К.Соҳибов ва туман Мудфоя ишлари бўлими мансабдор шахслари ўзаро жиноий тил бириктириб, қонунга хилоф равишда ҳарбий сафарбарлик қачирув хизматини ўташ учун 11 нафар фуқаролар томонидан тўланган жами 10.4 млн. сўм нақд пул маблағларини ўзлашлаштириб келганликлари аниқланган.

Мазкур ҳолатлар бўйича қонунбузарларга нисбатан ЖКнинг тегишли моддалари билан жиноят иши қўзғатилиб, суд томонидан жазо муқаррарлиги таъминланган.

Бугун эркин яшайман, манфаат кўраман, деган ишбилармон учун керакли шарт-шароит мўҳайё. Улардан факат қонунларга оғишмай риоя қилиш талаб этилади. Акс ҳолда ҳар бир ноқўн хатти-ҳаракат панд бериб қўйиши тайин.

Шароф ЖУМАЕВ,

СВОЖДЛҚК департаментининг Сурхондарё вилоят бошқармаси бўлими инспектори

Юртимизда ёш қадрларнинг ҳар томонлама камол топиши, ўз ихтилори ва салоҳиятини тўлиқ намоён этиши учун ушбу имкониятлар яратилмоқда. Таълим тизимини ривожлантириш учун ажратилаётган сармоялар мамлакатимиз келажагини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Баҳо учун тўқсон минг

Алишер УММАТОВ,

СВОЖДЛҚК департаментининг Жиззах вилоят бошқармаси матбуот гуруҳи катта инспектори

Бу соҳадаги ислохотлар замирида ёшлари мизининг энг замонавий шарт-шароитларга эга бўлган ўрта-махсус ва олий ўқув юр-тларида таълим олиб, юксак малакали кадрлар етиштириш каби эзгу мақсадлар мўжассам.

Келажақ авлод эркин фуқаролик жамиятининг ҳал қилувчи кучи ва негизидир. Шу сабабли мамлакатимизда ёшларни ҳар томонлама етук қилиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия ва билим бери-лишига алоҳида эътибор қаратилаётди. Шу мақсадда, Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни ва Кадрлар тайёрлаш ҳамда жамиятда ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга оид миллий дастурлари қабул қилинди. Ёшларимизнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш ва таълим беришга доир давлат сиёсатининг самарасини таъминлаш учун мустахкам ҳуқуқий пойдевор яратилди. Бу эса ўз ўрнида ёшларимизга таълим бериш соҳасини янада чуқур ислох қилиш, жаҳон андо-заларига мос келувчи янги ўқитиш меъёрларини жорий қилиш, ўқитувчи-педагогларнинг ўз ишига бўлган муносабатини янада оширишни талаб қилади.

Бироқ, айрим ушбу шарафли ва масъулиятли соҳа вакиллари билан қингирликка қўл уриши кишини ажаблантиради. Жумладан, СВОЖДЛҚК департаментининг Жиззах вилоят бошқармаси ходимлари томонидан ҳамкорликда ўтказилган тезкор тадбирда Жиззах Давлат педагогика институти "Музыка таълими назарияси ва услубиёти" кафедраси катта ўқитувчиси Баҳодир Эшонов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) хизмат макендан фойдаланиб, институтнинг "Педагогика-психология" факультети мусикий таълим йўналишининг 4-курс талабаси Шохиди Хусанованинг чолғучилик ва чолғу ансамбли фахрларидан яқуний назорат имтиҳониде олган "3" баҳосини "4" баҳога ўзгартириб бериш эвазига гуруҳ сардори Аҳмад Нориев орқали 90 минг сўмини пора тарихасида олаётганида, уш-ла-ни жинояти фаш қилинди.

Суд томонидан Баҳодир Эшоновга нисбатан қонуний жазо берилди.

Инсон тақдирига эътибор



Хар бир музоахха инсон тақдирини ифодалайди. Шундай экан, уларга нисбатан бефарқ бўлишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Хоразм вилоят прокуратураси органлари томонидан "Фуқароларнинг музоаххатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни ижроси юзасидан ўтказилаётган прокурор назорати тадбирларида асосий эътибор фуқароларни қабул қилиш ва уларнинг музоаххатларини қўриб, ҳал этиш қонунда белгиланган тартибда ва муддатларга қатъий риоя қилган ҳолда амалга ошириладиганлиги, фуқароларни музоаххат қилганлиги учун таъкиб остига олиш, музоаххатни қўриб чиқишда муаллиф розилигисиз унинг шахсий ҳаётига доир ёки музоаххатга дахлдор бўлмаган маълумотларни ёхуд қонун муҳофазасидаги бошқа сир ҳисобланган маълумотларни, шунингдек, фуқаронинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатига путур етказадиган ўзга ахборотларнинг ошкор этилишига йўл қўйилганлиги каби ва бошқа қонунга зид ҳолатларни аниқлашга қаратилмоқда.

Тадбирлар натижасига кўра, аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф

қилиш тўғрисида 47 та тақдимнома киритилиб, 55 нафар мансабдор шахс интизомий, 18 нафари маъмурий жавобгарликка тортилди. Қўлланилган прокурор назорати ҳужжатлари орқали 150 нафар фуқаронинг бузилган ҳуқуқлари тикланди. Шунингдек, қонунбузилиш ҳолатларини бартараф қилиш юзасидан 47 та тақдимнома киритилиб, 55 нафар мансабдор шахс интизомий, 18 нафари маъмурий жавобгарликка тортилди. Хусусан, Ҳазорасп туман прокуратураси томонидан бу борада туман ҳокимлигида ўтказилган текширишда бир қатор қонунбузилиш ҳолатларида йўл қўйилганлиги аниқланди. Жумладан, тумандаги Овшар қишлоғида яшовчи фуқаро Б.Саидовнинг қўшимча томорқа ери "Гулсара Пахтак" фермер хўжалиги раҳбари томонидан тортиб олинганлиги сабабли амалий ёрдам беришни сўраб қилган музоаххати жорий йилнинг 23 январь куни қонуний ҳал қилиш учун туман ҳокими ўринбосари М.Раҳимовга топширилган. Бироқ М.Раҳимов томонидан ушбу музоаххат натижаси ҳақида 3 ой 10 кундан кейин муаллифга жавоб берилган. Аммо муаллифга жавобдан

норози бўлган тақдирда шикоят қилиш ҳуқуқи тушунтирилмаган.

Текширишда шунингдек, тумандаги Каврак қишлоғи "Шовот" маҳалласида яшовчи фуқаро И.Тураевнинг 2013 йил 21 январда маҳалла гузари қуриш учун ер майдони ажратиб беришни сўраб ёзган музоаххати қонуний ҳал қилиш учун туман ҳокими ўринбосари М.Раҳимовга, кейинчалик М.Раҳимов томонидан ҳал қилиш учун туман ҳокимлиги ҳуқуқшуноси С.Жуманиязовга ўтказилган. Аризада кўрсатилган ҳолатлар туман ҳокимлиги ҳуқуқшуноси томонидан ўрганилмасдан, 2013 йилнинг 3 апрелида, яъни 2 ой 12 кундан кейин муаллифга тушунтириш берилган ҳолда жавоб хати юборилган.

Бундан ташқари, туман ҳокимлиги ҳуқуқшуноси С.Жуманиязов томонидан Каврак қишлоғида яшовчи фуқаро З.Абдуллаевнинг 2013 йил 13 февралда томорқа ерида бино қуришга рухсат беришни сўраб ёзган музоаххати бўйича текшириш ўтказилмаган ва аризадаги ҳолатлар қўшимча ўрганишни талаб қилмасда, муаллифга 1 ой 20 кундан қонун талаблари тушунтирилган ҳолда жавоб хати берилган. Туман ҳокимлиги томонидан шу каби бошқа фуқароларнинг музоаххатларини қўриб чиқишда ҳам қатор қонунбузилиш ҳолатларида йўл қўйиб келинган.

Оқоридаги ҳолатлар юзасидан туман ҳокимининг ўринбосари М.Раҳимовга нисбатан маъмурий, ҳокимлик ҳуқуқшуноси С.Жуманиязовга нисба-

тан интизомий жавобгарлик тўғрисида ишлар қўзғатилиб, уларнинг жавобгарлик масалалари ҳал қилинди.

Вилоят прокуратураси томонидан қайд қилинган қонун ижроси юзасидан Хива туман ҳокимлигида ўтказилган текширишда ҳам қатор қонунбузилиш ҳолатларида йўл қўйилганлиги аниқланди. Жумладан, "Фуқароларнинг музоаххатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 22-моддасида фуқароларнинг музоаххатларини қўриб чиқаётган давлат органлари арizasalar, тақлифлар ва шикоятларни белгиланган тартибда умумлаштирадиган ҳамада таҳлил этиб борадилар, деб белгиланган бўлса-да, туман ҳокимлиги томонидан жорий йилнинг ўтган даврида фуқароларнинг музоаххатлари умумлаштирилмаган ва таҳлил қилинмаган. Шунингдек, қонуннинг 21-моддаси талабларига зид равишда, туман ҳокимлиги томонидан муаллифларга берилган жавоб хатларида жавобдан норози бўлган тақдирда, қабул қилинган қарор устидан шикоят қилиш тартиби тушунтирилмаган. Айрим шикоят хатларида жавоблар ўз муддатида берилмаган. Баъзилари эса эътиборсиз қолдирилган. Жумладан, "Ичан қалъа" маҳалласида фуқаро Х.Мадримовнинг турар жойини қайтадан баҳолаб бериш ҳақидаги музоаххати, Гиламчи маҳалласида яшовчи З.Ибрагимовнинг намунавий лойиҳа асосида қурилаётган турар жой беришни сўраб ёзган ҳамада "Журён" қишлоғи-

Давронбек ҚУРБОНОВ,
Хоразм вилоят прокуратураси бўлим прокурори

да яшовчи фуқаро Ж.Жуманиязовнинг ўзи яшаб келаётган нотурар жойни турар жойга ўзгартириб бериш ҳақидаги аризалари текшириш қунига қадар қўриб чиқилмаган ва муаллифларга жавоб хатлари берилмаган.

Аниқланишича, ушбу музоаххатлар туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Ф.Бобожоннинг иш юритишда бўлган. Текшириш даврида уларнинг туман ҳокимлиги томонидан қўриб чиқиши ва натижалари ҳақида муаллифларга жавоб хатлари берилиши таъминланди.

Маъмур ҳолатлар бўйича туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Ф.Бобожонга нисбатан маъмурий жавобгарлик тўғрисида иш юритиш бўйича туман ҳокими номига тақдимнома киритилди.

Қонун ижроси юзасидан Боғот, Шовот, Янгибозор ва Урганч туманлари ҳамада Урганч шаҳар прокуратуралари томонидан ўтказилган текширишларда ҳам фуқароларнинг музоаххатларини қайд қилиш журналлари белгиланган тартибда юритилмаганлиги, музоаххатларнинг қонунда белгиланган муддат ва тартибда қўриб чиқилмаганлиги каби қатор қонунбузилиш ҳолатлари аниқланиб, масъулиятсизликка йўл қўйган мансабдор шахсларнинг маъмурий ва интизомий жавобгарлик масалалари ҳал қилинди.

Мақсадга эришнинг асосий омили

Истиқлолнинг иқтисодий асослари ҳақида гап кетганда қишлоқ хўжалиги соҳасига алоҳида тўхталиш жоиз. Чунки халқимиз азалдан ерга ўзгача меҳр қўйган. Ўз ризқ-рўзини ҳалол меҳнат билан топади. Ҳатто фарзандаларини койиша ҳам "уйнинг буталойга тўласин", дея қойилади.

Хар ишда муваффақиятга эришишнинг асосий шарти соҳада оид қонун-қондаларга бекаму кўст риоя қилиш ҳисобланади. Қорақалпоғистон Республикаси прокуратурасининг қишлоқ хўжалиги соҳасида қонунийликни таъминлаш ва хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими фаолияти мисолида айтиладиган бўлсақ, тизим ходимлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 11 мартдаги "Қишлоқ хўжалигида ислохотларни амалга оширишга қаратилган қонунларнинг ижросини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ижроси юзасидан 2013 йилнинг 7 ойи давомида ўтказилган 24 та текширишда қонунга зид бўлган ҳужжатларга нисбатан 54 та протест келтирилиб, аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф қилиш бўйича 169 та тақдимнома киритилди. 949 нафар шахс келгусида қонунбузилиш ҳолатларида йўл қўймаслик ҳусусида расман огоҳлантирилиб, 193 нафари интизомий, 336 нафари эса маъмурий жавобгарликка тортилди. Жиддий қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан 32 та жиноят иши қўзғатилиб, 194299,0 минг сўмлик моддий зарар ихтиёрини равишда қопланди. 76696,0 минг сўмни ундириш юзасидан фуқаролик судларида 114 та, 155284,0 минг сўмни ундириш бўйича хўжалик судларида 26 та даъво аризалари кири-

тилиши таъминланди. 460 нафар шахснинг бузилган ҳуқуқлари тикланди. Масалан, Беруний тумани ҳокимлиги томонидан "Қамронбек-Зулфизар" фермер хўжалигига ажратиб берилган ер майдонини узоқ муддатли ижарага бериш юзасидан тузилган ижара шартномасини бекор қилиш тўғрисида хўжалик судига асоссиз равишда даъво аризаси киритилганлиги аниқланган. Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси томонидан фуқаро А.Матчанов раҳбарлик қилаётган "Қамронбек-Зулфизар" фермер хўжалигига ажратиб берилган ер майдонини фермернинг ўзига қайтариб олиб беришда ва фермернинг қонун билан қўриқланадиган манфаати ҳимоя қилинди.

Олиб борилган назорат тадбирларида тайёрлов корхоналари томонидан контрактация шартномасига асосан етказиб берилган маҳсулотлар учун тўловлар шартномада белгиланган тартибда ва муддатда амалга оширилмаганлиги маълум бўлди. Яъни, "Элликқалъа олтин толаси" хиссдорлик жамияти томонидан 2010-2012 йиллар давомида етиштирилган пахта хомашесини ташиш юзасидан 10 та фермер хўжаликлари томонидан кўрсатилган хизматлар бўйича 90,8 млн. сўмлик пул маблағлари шу қунига қадар тўлаб берилмаганлиги аниқланди. Қорақалпоғистон Республикаси прокуратурасининг аралашуви билан жорий йилнинг июль ойида ту-

манда фаолият олиб бораётган мазкур фермер хўжаликларининг манфаатларини қўзлаб, 90,8 млн. сўмлик қарз пуллари мажбурий ундириш юзасидан Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик судига 10 та даъво аризалари киритилди.

Ўтказилаётган мониторинг ва назорат тадбирларида асосий эътибор галла ва пахта майдонларини сугориш мақсадида ажратилган сувдан бошқа мақсадларда фойдаланмаслик, шунингдек, пахта ва галла парвариши учун ажратилаётган минерал ўғит ҳамада нефть маҳсулотларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш аҳолига қаратилмоқда. Сув танқис пайтда сувдан тежамкорлик билан фойдаланиш, тупроқдаги намликни сақлаб қолиш, барча агротехник тадбирларни ўз вақтида ва сифатли ўтказиш, кам сув сарфлаган ҳолда ўсимликларнинг яхши ўсиши ҳамада ривожланишини таъминлашга алоҳида эътибор бериш зарур.

Қишлоқ хўжалигини сувсиз тасаввур қилиш қийин. Бу масалалар ҳозирги кунда энг долзарб бўлса-да, мониторинглар давомида деярли барча туманларда фермер хўжаликлари ва бошқа истеъмолчилар томонидан сувдан мақсадсиз ва хўжасизларча фойдаланиб, ўз мақсадлари учун экилган шולי экинини сугориш ҳолатларида йўл қўйилганлиги аниқланди. Мисол учун, Тўртқўл туманидаги "Дурдинияз Халия" фермер хўжалигининг 23 гектар майдонига экилган шולי экинни руҳсатсиз сугориб, сувни исроф қилганлиги сабабли фермер хўжалиги раҳбари С.Халиязов маъмурий жавобгарликка тортилди, фермер хўжалигига жарима қўлланилди.

Амударё туман прокуратураси томонидан олиб борилган назорат тадбирлари давомида тумандаги "Хоразм" ММТП ҳудудида фаолият олиб бораётган "Сапаров Тиркашбек" фермер хўжалиги раиси Ж.Сапаров 2013 йил ҳосили учун чигит экиш режалаштирилган 5,4 гектар ер майдонига маккажўҳори эккани, ажратилган нефть маҳсулотини мақсадли сарфламасдан 659 250 сўмлик дизель ёқилғисини ўз мақсадлари учун ишлатиб юборганлиги аниқланди. Туман прокуратурасининг аралашуви билан маккажўҳори экилган ер майдони бузилиб, қайтадан чигит экилиши таъминланди ва раҳбар Ж.Сапаровга нисбатан маъмурий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатилди.

Хулоса ўрнида айтиш лозимки, Юртбошимиз томонидан илгари сурилган, ривожланишининг ўзбек модели, дея тан олинган 5 тамойилдан бири — қонун устуворлигини. Шундай экан, прокуратура ходимлари соҳада қонун устуворлигига эришиш, фуқаролар, давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя қилиш борасида сидқидилдан хизмат қилаверадилар. Зеро, қонунларга риоя қилиш барча мақсадларга эришишнинг асосий омилдир.

Ерпўлат КАИПБЕРГЕНОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси прокурори ўринбосари

Инсон ҳуқуқларини таъминлаш омили

[Давоми.
Бошланғичи 1-бетда]

Бу борада ўтказилган текширишларда давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ҳокимликлар, мутасадди идора ва муассасалар томонидан муурожаатларни қўриб чиқишга кўп ҳолларда масъулиятсизлик, ўзи-бўларчилик кайфиятида ёндашилиб, муурожаатларни умуман ёки белгиланган муддатларда қўриб чиқмаслик, асоссиз рад этиш, бу борадаги ҳисоботларни чалкаштириб юритиш ва шу каби ижро интизомини бузиб келинаётгани аниқланди. Хусусан, Касби тумани, "Оқжангал" қишлоғида яшовчи фуқаро А.Раҳимовнинг "Оқжангал" маҳалла фуқаролар йиғини раиси О.Боллив ва унинг котиби Б.Мейлиевлар томонидан бюджет маблағи талон-торож қилинаётганига тўғрисидаги аризаси вилоят прокуратураси томонидан ўрганилганда, йиғин томонидан 24 та ҳолатда 6.6 млн. сўм нафақа нотўғри ҳисобланиб, шундан 5.1 млн. сўми тўловга чиқарилиши оқибатида бюджет маблағлари талон-торож қилинганлиги аниқланган.

Мазкур ҳолат юзасидан 2013 йил 18 февралда "Оқжангал" маҳалла фуқаролар йиғини мансабдор шахсларига нисбатан ЖКнинг 167-моддаси 2-қисми "г" банди билан жиноят иши қўзғатилиб, айбдор шахсларнинг жавобгарлик масаласи ҳал қилинган.

Фуқаро тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари Ҳ.Панжиев 6 нафар фуқаронинг муурожаатини белгиланган муддатларда қўриб чиқмасдан, уларга асослангилмаган жавоб юборилишига йўл қўйган. Косон тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари Б.Худойбердиев эса Б.Ҳақбердиевнинг 2013 йил 1 майдиги, Г.Пармоновнинг 2013 йил 30 мартдаги, М.Давлатова ва бошқаларнинг 2013 йил 3 апрелдаги, Р.Абдуллаевнинг 2013 йил 23 апрелдаги муурожаатларининг текшириш кунига қадар ҳал қилинишини,



М.Саттаровнинг 2013 йил 20 апрелдаги ва Ф.Нусратовнинг 2013 йил 1 майдиги муурожаатига ўз вақтида жавоб берилишини таъминламаган.

Бундан ташқари, 6 нафар фуқаронинг туман ҳокимлигига келиб тушган муурожаати тааллуқлилигига кўра, тегишли идораларга 5 кундан кечиктириб юборилишига йўл қўйилган.

Худди шу каби қонунбузилишларга йўл қўйганлиги учун Ҳузур тумани ҳокимининг ўринбосари С.Ғаниев, Косон тумани ҳокимининг ўринбосари А.Хушвақтов, Касби тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари З.Турсунов, Деҳқонобод тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари ва ўринбосари Н.Бобоев ва К.Ҳолиқовларга нисбатан МЖТКнинг 43-моддаси билан маъмурий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатилиб, суднинг қарорига мувофиқ улардан жарима ундирилди. Шунингдек, Касби тумани ҳокимлиги иқтисодиёт бўлими мутахассиси И.Раҳмонов фуқаро М.Юсуповнинг 2013 йил 17 майдиги ва фуқаро Ж.Абдураҳмоновнинг 2013 йил 23 майдиги муурожаатларини 2013 йил 11 июнга қадар ўрганиб чиқмаган бўлса, фуқаролар Ш.Шарипова ва А.Нормуродовларнинг 2013 йил 30

майдиги муурожаатларини ариза ва шикоятларни рўйхатдан ўтказиш китобига қайд этмаган.

Бундан ташқари, Қарши тумани архитектура ва қурилиш бошқармаси бошлиғи Р.Шаймарданов "Azchardil fotir" хусусий корхонаси директори У.Мухаммадиевнинг, шунингдек, "Xonobod maxsus qurilish" масъулияти чекланган жамияти раиси К.Худайназаров, фуқаролар Р.Раҳмонова, А.Султонов, Н.Расулов ва А.Сайфиевларнинг ер ажратиш ҳақидаги муурожаатларини асоссиз рад этган. Шунингдек, туман ободонлаштириш бошқармасининг балансига ўтказилган 6 та объектнинг умумий ер майдонини белгилаб ажратиб бериш ҳақидаги муурожаатига ўрганиш кунига қадар жавоб бермаган.

Текширишларда фуқароларнинг бузилган ҳуқуқларини суд йўли билан ҳимоя қилишга ҳам эътибор қаратилмоқда. Жумладан, Шахрисабз тумани халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимида ўтказилган текширишда фуқаро А.Алимардоновнинг асосий иш жойидаги ўртача иш ҳақини олишга оид аризаси қўриб чиқилмасдан, 2012

йил 15 февралда рад жавоби берилганлиги, натижада унга 2011 йил сентябрь-2012 йил июнь ойлари ҳисобидан жами 3 млн. 636 минг 177 сўмлик иш ҳақлари шу кунгача тўланмасдан келинганлиги аниқланди. Шунингдек, бўлимда фуқаро Ҳ.Сулоновнинг 2012 йил 22 декабрдаги муурожаати қўриб чиқилмасдан, жорий йилнинг январь ойида муаллифнинг ўзига қайтариб юборилган. Шу сабабли А.Алимардоновнинг тўланмасдан келинаётган иш ҳақларини ундириш бўйича фуқаролик ишлари бўйича Шахрисабз туманлараро судига ариза киритилиб, бўлимининг маънавий-ахлоқий ва спорт ишлари бўйича шўба-си раҳбари Л.Рустамовга нисбатан МЖТКнинг 43-моддаси билан маъмурий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатилиб, айбдорга нисбатан жазо муқаррарлиги таъминланди.

Бундан ташқари, прокуратура тизимида ташкил этилган ишонч телефонлари орқали бўлаётган муурожаатлар мавжуд муаммоларни зудлик билан бартараф этиш имконини бермоқда. Ишонч телефонларига тадбиркор ва фуқаролардан келиб тушган муурожаатлар ҳам ўрганилиб, уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш бўйича зудлик билан ҳуқуқий

ёрдам кўрсатиб келинмоқда. Жорий йилнинг 1-ярмида ишонч телефонида жами 92 нафар тадбиркор ва фуқаролардан муурожаатлар келиб тушган бўлиб, улар тегишли тартибда ҳал этилган. Жумладан, Косон туманидаги "Наш-пандкулов Озодбек" хусусий фирмаси бош ҳисобчиси З.Султоновнинг корхона фаолиятини йўлга қўйиш учун кредит ажратишда амалий ёрдам кўрсатиш ҳақидаги муурожаати юзасидан АТИБ "Микрокредитбанк" туман филиалидан мазкур мақсадлар учун 12 млн. сўм кредит ажратиш масаласи ҳал этиб берилди. Шунингдек, фуқаро И.Эш-бобоевнинг АТИБ "Ипотека банк" Шахрисабз филиали томонидан кредит ажратилмаётганлиги ҳақидаги муурожаати ўрганилиб, натижасига кўра, унга тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш учун 15 млн.сўм кредит маблағи ажратилиши таъминланди.

Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг фаолиятига ноконуний аралашувларнинг олдини олиш ҳамда текширишларни кескин қайташтириш мақсадида қабул қилинаётган Президент Фармон ва қарорлари мазмун-моҳиятини аҳолига тушунтириш учун ойига икки марта жойларда тадбиркорлар ва кичик бизнес вакиллари билан учрашувлар ташкил қилиниб, муаммоларни жойида ҳал этишга ҳаракат қилинмоқда.

Хар бир муурожаат ортида инсон тақдирини, унинг ҳаётига дахлдор муаммолар мучас-сам. Шундай экан, муурожаатларга беварқ бўлиш эмас, балки унинг қонуний ечимини топишга ҳаракат қилиш лозим. Қашқадарё вилоят прокуратураси томонидан фуқаролар ва юридик шахсларни қабул қилиш, муурожаатларни қонунда белгиланган тартибда тўлиқ ва сифатли қўриб чиқиш ва ҳал этишга қаратилган тегишли чора-тадбирлар белгила-ниб, мазкур йўналишдаги про-курор назорати янада кучай-тирилди.

"Бизнинг энг катта ишончимиз, ма-
лаа-таянчимиз — бу ўсиб келаётган
ёш авлоддир. Мен ўз тақдиримни
ҳам, мамлакатимиз ва мустақилли-
гимиз тақдирини ҳам келажагини ҳам
ана шу ёшлар қиёфасига, уларнинг
пок қалби, эркин тафаккури, мус-
таҳкам ироласи ва дунёқарашига
кўраман". Муҳтарам Президентимиз
2013 йил 11 майдиги қўйилган
қарорининг асосида бу сўзлар-
нинг яққол исботини ёш авлодини
тарбиялаш, уларнинг ҳуқуқ ва эр-
кинликларини ҳимоя қилиш ҳамда
билим олиши, унинг ўсиши учун
шарт-шароитлар яратишга доир
кўплаб қонун ва қонуности ҳужжат-
лари қабул қилинганлиги, уларнинг
ижроси устидан доимий равишда
назорат ўрнатилганлигига кўриши-
миз мумкин.

Конституциямиздан ташқари қонунчилигимизнинг деярли барча соҳаларида, яъни Фуқаролик кодекси, Фуқаролик-процес-суал кодекси, Меҳнат кодекси, Оила кодекси, Жиноят кодекси, "Бола ҳуқуқларининг қаролатлари тўғриси-да"ги Ўзбекистон Республикаси Қону-нида вояга етмаган болаларнинг ҳуқуқлари, уларни ҳимоя қилишга, тар-биялашга, вояга етгунга қадар бўлган жараёнларда моддий, маънавий ва

Болалар — умидимиз,

сиёсий ҳимоясига оид ҳамда рағбат-лантиришга доир нормалар, ушбу нор-маларни бузган тақдирда жавобгарлик масалалари белгилаб қўйилган.

Масалан, Фуқаролик кодексига бо-ланинг туғилган пайтдан бошлаб фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларига эга бўлиш лаёқати ҳамда барча фуқаролар билан тенг равишда эътироф этилиши кўрсатилган. Шунингдек, Жиноят кодекси-нинг моддаларида вояга етмаганларга нисбатан содир этилган жиноятлар оғирлаштирувчи ҳолатлар ҳисобланиб, оғир жазолар белгиланган.

Бундан ташқари, вояга етмаганлар-нинг ҳуқуқларини бузганлик, уларни қаровсиз қолдирганлик учун маъмурий жавобгарлик кўзда тутилади.

Фуқаролик-процессуал кодексига вояга етмаган, яъни ёши ўн тўртдан ўн саккизгача бўлган фуқароларнинг, шунингдек муомала лаёқати чекланган деб топилган фуқароларнинг ҳуқуқла-ри ва қонун билан қўриқланадиган манфаатлари судда уларнинг ота-она-лари, уларни фарзандликка олганлар ёки ҳомийлар томонидан ҳимоя қили-ниши кўрсатилган. Аммо бу ҳол вояга етмаганлар ва муомала лаёқати чек-ланган деб топилган фуқароларни бун-дай ишларда шахсан иштирок этиш

ҳуқуқидан маҳрум қилмайди. Меҳнат билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатлардан ва олинган иш ҳақини ёки бошқа да-ромадни тасарруф этиш билан боғлиқ битимлардан келиб чиқадиган ишлар бўйича вояга етмаганлар судда ўз ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқлана-





диган манфаатларини шахсан ҳимоя қилиш ҳуқуқига эгадирлар. Бундай иш-ларда вояга етмаганларга ёрдам бе-риш учун уларнинг ота-оналарини, уларни фарзандликка олганлар ёки ҳомийларни жалб қилиш масаласини суд ҳал этади. Ўн олти ёшга тўлган во-яга етмаган шахс қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда муомалага тўла лаёқатли, деб эълон қилинган (эман-сипация) тақдирда судда ўз ҳуқуқла-ри ва мажбуриятларини шахсан амал-га ошириши мумкин. Ёш болаларнинг, яъни ўн тўрт ёшга тўлмаган фуқаро-ларнинг, шунингдек руҳий касаллик ёки ақли заифлиги туфайли муома-лага лаёқатсиз деб топилган фуқаро-ларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини суд-да уларнинг қонуний вакиллари — ота-оналари, уларни фарзандликка олган-лар ёки ҳомийлар ҳимоя қилишлари му-стаҳкамлаб қўйилган.

Юқоридагилардан кўришимиз мум-кинки, республикамизда жамиятимиз-нинг барча жаҳдаларини янгилаш жа-раёнида амалга оширилаётган исло-хотлар мазмунини бола ҳуқуқлари, ке-лажаги, эрки ва манфаатлари маса-ласи асосий ўринни эгаллайди.

Ўзбекистон Республикасининг

Саҳифаларда Қашқадарё вилояти



Қонун устуворлиги тараққиёт кафолатидир

Қонулар моҳиятини англаш ва уларга амал қилиш кенг маънода ҳаётимизни яхшилашга хизмат қилади. Сир эмаски, мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки йилларида ноқонун манфаатларига устувор қадрият сифатида қараб келинмоқда. Шунингдек, аҳоли ўртасида қонуналарга ҳурмат ҳиссини уйғотиш борасида олиб борилаётган ҳуқуқий тарғибот ишлари ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Хусусан, жорий йилнинг ўтган олти ойида СВОЖДАҚК департаментининг вилоят бошқармаси томонидан ҳуқуқ тарғиботи ишлари самарадорлигига алоҳида эътибор берилди. Ўтказилган тадбирларда амалдаги қонуларимизнинг моҳияти, иқтисодиёт, солиқ ва валюта соҳасида содир этилган жиноятларга нисбатан жазонинг муқаррарлиги тўғрисида аҳолига батафсил тушунтиришлар бериб берилди.

Мамлакатимизда иқтисодиётнинг муҳим соҳаси бўлиб кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш энг муҳим вазифага айланди. Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш тизими соддалаштирилиб, ягона солиқ тўлови шаклидаги солиққа тортиш тизими жорий этилди. Шу билан бирга, уларнинг ҳўжалик фаолиятини назорат қилувчи идораларнинг аралашувини кескин қисқартириш чоралари қўрилди. Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида қабул қилинган меъриё-ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси бўйича бошқарма томонидан ҳам бир қатор ишлар, жумладан, тадбиркорлик субъектларига амалдаги қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини тўлиқ тушунтириш, берилаётган имтиёзлар ва уларнинг фаолият кўрсатиши учун яратилаётган қўлай шарт-шароитлар моҳиятини тушун-

тиришга қаратилган қатор тадбирлар амалга оширилди.

Бу борада бошқарма ишчи гуруҳи томонидан шу йилнинг ўтган олти ойи давомида жами 209 та тадбиркорлик субъектларининг рўйхатдан ўтишига бўлак қўмаклашилди ва шу ҳисобдан 305 та янги иш ўрилари ташкил этилди. Тадбиркорлик субъектларининг бузилган ҳуқуқларини тиклашга қаратилган 5 та жиноят иши кўзга-тилди, уларнинг қонуний манфаатларининг ҳимоя қилинишига эришилди.

Бироқ, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, шу жумладан, бошқарма томонидан ўтказилаётган амалий тадбирларга қарамадан, қонунбузилиш ҳолатларининг содир этилиши ҳамон учраб турибди. Жумладан, ўтган олти ой мобайнида бошқарманинг туман, шаҳар бўлимлари томонидан иқтисодий, солиқ ва валютага оид жиноятлар ҳамда жиноий даромадларини легаллаштиришга доир 235 та жиноят ва 27 та маъмурий ишлар кўзга-

тилди. Ҳуқуқбузарлардан 1 млрд. 570 млн. 991 минг сўмлик товарлар олиб қўйилди. Яшарин равишда маҳсулот ишлаб чиқариш ва муомалага киритилишининг олдини олиш мақсадида 55 та яширин цех фош этилиб, 54 та ҳолатга нисбатан жиноий ишлар кўзга-тилди. Пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартиришга қаратилган тезкор тадбирлар давомида 15 млрд. 255 млн. 615 минг сўм миқдорда ноқонуний нақд пул айлан-

маси аниқланди. Мижозларнинг ҳисоб рақамидаги пул маблағларини талон-торож қилган ва бошқа қонунбузилишларга шарт-шароит яратиб берган тижорат банкларининг 19 нафар мансабдор ва масъул ходимларига нисбатан жиноят ишлари кўзга-тилди. Валютага оид жиноятларга қарши курашишни таъминлаш юзасидан олиб борилган тезкор тадбирлар давомида 11 та қонунбузарлик аниқланиб, 9 та жиноят ва иккита маъмурий ишлар кўзга-тилди. Ҳуқуқбузарлардан 69 минг 979 АҚШ доллари, 95 евро, 114 минг 800 Россия рубли ва 128,3 млн. Ўзбекистон сўми олиб қўйилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 13 апрелдаги "Ўзбекистон Республикасида товарлар ва транспорт воситаларини вақтинчалик четдан олиб келиш (четга олиб чиқиш) шартлари тўғрисида"ги Қарорига кўра, мамлакатимизга олиб келинаётган товарларнинг қонуний асоси белгилаб берилган бўлса-да, амалдаги қонун ва қарорларни менсимай, мамлакатимиз ҳудудида четдан товарларни ноқонуний равишда олиб киришга уринаётган шахслар охири-оқибат қонун олдида жавоб беришга мажбур бўлишмоқда. Мазкур масала юзасидан олиб борилган тезкор тадбирлар давомида товарларни



Аъзам МАРДИЕВ, СВОЖДАҚК департаментининг Қашқадарё вилояти бошқармаси бошлиғи ўринбосари

четдан ноқонуний олиб ўтиш билан боғлиқ 36 та ҳуқуқбузарлик ҳолати аниқланди ва 161,1 млн. сўмлик товар-моддий бойликлар ашёвий далил сифатида олиб қўйилди. Шунингдек, ноқонуний равишда алкоғолли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва сотиш билан шуғулланаётган шахсларга нисбатан 5 та жиноят ва 3 та маъмурий жавобгарлик тўғрисида ишлар кўзга-тилди. Акция марказиз тамаки маҳсулотлари сотилишининг олдини олиш борасида 2 та жиноят иши ва 3 та ҳолатда маъмурий жавобгарлик тўғрисида ишлар кўзга-тилди. Ҳуқуқбузарлардан 4 млн. 456 минг сўмлик тамаки маҳсулотлари олиб қўйилди.

Хулоса қилиб айтганда, қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, давлат ва жамият манфаатларини муҳофаза қилиш мамлакат тараққиётининг кафолати бўлиб, ана шундай эзгу мақсадлар йўлида зиямат қилиш бизнинг асосий вазифамиз бўлиб қолаверади.

Таянчимиз ва келажагимиз

Конституцияси ва бошқа қонунари албатта халқаро ҳуқуқ нормалари умуминсоний қадриятларга, халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принципларига асосланиб ишлаб чиқилган бўлиб, ушбу қонуналарнинг ишлаб чиқилишида бола ҳуқуқларига оид қисмларига ҳам алоҳида эътибор билан ёндашилган.

Булarga яна бир яққол мисол сифатида «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2013 йил 30 апрелдаги Ўзбекистон Республикасининг Қонунидан айрим ҳолатларни келтириб ўтамиз:

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси қуйидаги мазмунда 125-1-модда билан тўлдирилиб, унда никоҳ ёшига етмаган шахс билан ҳақиқатда никоҳ муносабатларига киришиш, шундай қилиш учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, -

энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма бараваридан ўттиз бараваригача миқдорда жарима ёки бир йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч ойгача қамоқ билан жазоланади.

Ота-она ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан никоҳ ёшига

етмаган шахсни эрга бериш ёхуд уйлантириш, шундай қилиш учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, -

энг кам ойлик иш ҳақининг ўттиз бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд тўрт ойгача қамоқ билан жазоланади.

Никоҳ ёшига етмаган шахс билан никоҳ тузишга доир диний маросимни амалга ошириш, шундай қилиш учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, -

энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ билан жазоланади» деб қўрсатилган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси ҳам 47-3-модда билан тўлдирилиб, унда никоҳ ёшига етмаган шахс билан ҳақиқатда никоҳ муносабатларига киришиш, энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ота-она ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан никоҳ ёшига етмаган шахсни эрга бериш ёхуд уйлантириш, -

Абдурайхон МУҲАММАДИЕВ,
Нишон туман прокурори

энг кам иш ҳақининг етти бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Никоҳ ёшига етмаган шахс билан никоҳ тузишга доир диний маросимни амалга ошириш, -

энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлиши кўрсатиб ўтилган.

Бу эса вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоялаш, уларнинг соғлом туғилиб, соғлом униб-ўсишига ҳамда бекаму кўст вояга етишига қаратилган эътиборнинг исботидир.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексига ҳам ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, кодекснинг 15-моддаси иккинчи қисми "Ўзрли сабаблар бўлганида, алоҳида ҳолларда (ҳомилдорлик, бола туғилиши, вояга етмаган шахснинг тула муомалага лаёқатли деб эълон қилиниши (эмансипация), никоҳга киришиш хохловчиларнинг илтимосига кўра никоҳ давлат рўйхатидан ўтказиладиган жойдаги туман, шаҳар ҳокими

никоҳ ёшини кўпи билан бир йилга қайтариши мумкин" деган тахрирда ҳамда 107-модданинг матни "Вояга етмаган болани ота-онасидан олиш ва уни болалар тарбия муассасасига жойлаштириш тўғрисидаги ҳал қилув қарорини чиқаришда суд ота ва онанинг ҳар берида мазкур бола фойдасига ушбу Кодекснинг 99-моддасида белгиланган миқдорларда алиментлар ундиради. Бунда ундирилган алиментлар мазкур бола номига очилган банк ҳисоб варанга ҳамланади ва у вояга етганда тўланади" деган тахрирда баён этилди. Оила кодексининг 151, 159-моддалари ҳам вояга етмаганларнинг ҳуқуқ-манфаатларини ҳимоялашга қаратилган шу каби ўзгартиш ва қўшимчалар билан тўлдирилди.

Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 25 декабрда қабул қилинган "Реклама тўғрисида"ги Қонунига ўзгартишлар киритилиб, унда "Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг рухсатисиз вояга етмаганлар учун мўлжалланган дорига воситаларни реклама қилишга йўл қўйилмайдиган" деб белгилаб қўйилди.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимиз мустақилликка эришган, қабул қилинган Асосий қонунимиз ва бошқа қонуналар, ҳамда ва бошқа қонуносни ҳужжатларидола болаларимизнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг соғлом-авлод бўлиб вояга етишига эътибор биринчи даражали вазифа қилиб қўйилган.

Огоҳ ва ҳушёр бўлайлик!

Муҳтарам Президентимиз Исмоил Каримов ўзининг "Аллоҳ қалбимизда, юрагимизда" асарига: "Бу ҳаётни ҳимоялаш керак. Тинчлигимизни ҳимоя қилишимиз керак. Ҳимоя дегани нима? Ҳимоя дегани, - аввало огоҳ бўлиш дегани", дея таъкидлаган эди. Дарҳақиқат, Президентимизнинг ушбу фикрлари бүгунги кунимизнинг энг долзарб қаҳирига айланган. Чунки ер юзидаги барча миллату элатларни бирлаштириб турувчи куч, шубҳасиз тинчликдир. Тинчлик ҳаммамиз учун қадри ва ноёб неъмат, чунки одамзот азал-азалдан осуда ва хотиржам ҳаётни таъминлашга интилоб яшайди.



Норбўта ҲОЗИЕВ,
«Huquq»

Тўғри-да, оилангиз тинч бўлса, ғам-ташвиш, қайғу нимадигани билмасангиз, кўнглингиз тўқ бўлади, яратиш, яшатиш, бунёдкорлик ишқи билан яшайсиз, тўйлар қиласиз. Аслида умрнинг мазмун-моҳияти ҳам шунда эмасми? Аммо икки қарама-қарши куч — эзгулик ва ёвузлик, яхшилик ва ёмонлик қадам-қадам юрар экан, баъзида ҳаловатимизга бузилиб, тинчлигимизга, оқилоғимизга ҳаётимизга қора булутлар соя солиши мумкинлигини истисно этиб бўлмайди.

Қайси соҳани олманг, ҳоҳ иқтисодий-иҷтимоий, ҳоҳ маънавий-маърифий йўналиш бўлсин, барча жаҳада мустақиллик йилларида улкан ўзгаришлар юз берганига гувоҳимиз. Бу мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталик самарасидир. Биз, аввало, ана шу бебаҳо неъмат — тинчлик ва оқилоғимиз учун шукроналар айтмоғимиз керак. Шу таҳликали замонда бунга эришиш ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ. Буни ҳар биримиз билмоғимиз ва қадрига етмоғимиз лозим. Ўртаимиздаги тинчлик ва оқилоғимиз эса Президентимиз юритаётган оқилона сиёсат натижасидир.

Биз ўзбекларда: "Табиб табиб эмас, бошидан ўтган табиб", деган пурмаёно бир нақл бор. Шу маънода биз терроризм қандай офат эканлигини жуда яхши биламиз. Шу боисдан ҳам мамлакатимиз мустақилликка эришган кезларданок Ўртбошимиз нуфузли минбарлардан туриб, жумладан, 1998 йилда ЮНЕСКО ижроия кенгаши сессиясининг 155-ақноловчи мажлисида, 1999 йилда Истамбулда бўлиб ўтган Европа Ҳавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти Саммитида сўзлаган нутқларида диний-экстремизм, террорчилик, наркобизнес бутун дунёда тинчлик ва ҳавфсизликка таҳдид солаётганлиги, XXI аср вабосига айланган бу иллатларга қарши курашда кучларни бирлаштириш, унга қарши курашиш учун аксил-террор халқаро марказини тузиш тақдирини илгари сурган эди. Аммо очик айтиш кераки, халқаро ҳамжамият

давлатимиз раҳбарининг бу тақдирларига ўз вақтида амалий жавоб бермади.

2001 йилнинг 11 сентябрийда АҚШда содир этилган қўпуровчилик ҳаракатлари Президентимизнинг бу иллатдин ҳам, миллат ҳам танламаслиги, бутун тараққийпарвар инсониятнинг душмани экани ва халқаро терроризмга қарши курашишда ҳамкорлик зарурлиги ҳақидаги фикрларининг нақадар тўғри ва долзарб эканлигини яна бир бор тасдиқлади.

Тинчликни асраш, терроризм, айрмачилик ва экстремизмга қарши кураш йўлидаги саъй-ҳаракатлар дунё халқларини бирлаштишга, эзгулик йўлидаги ҳамкорликни мустақамлашга ундамоқда. Биргина Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти мисолида кўрадиган бўлсак, ўн икки йил давомида унинг дунё ҳамжамиятидаги нуфузи ошди, унга аъзо давлатлар ўртасидаги сиёсий, иқтисодий ва гуманитар ҳамкорлиkning ҳуқуқий асослари яратилди. Бу нимадан далолат беради? Бу шундан далолат берадики, дунёда тинчликни қадрлаш, уни муҳофаза қилишдек муҳим масалаларга бўлган эътибор тобора кучаймоқда. Табиийки, бунда Ўзбекистоннинг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

"Марказий Осиё геосиёсий ва геостратегик аҳамияти ортаб бораётгани, улкан табиий-иқтисодий ва бошқа ресурс салоҳиятига эгалиги фақатли хавфсизлик ва барқарорликка таҳдид ва хатарлар сақланиб қолаётган минтақа сифатида ҳамон жаҳон ҳамжамияти диққат марказида турибди, — деган эди Президентимиз. — Бунинг асосий сабабларидан бири — Афғонистонда ҳали-ҳануз давом этаётган мураккаб вазиятдир".

Ҳа, Ўртбошимизнинг Афғонистон борисида алоҳида тўхталганиги бежиз эмас. Бугунги кунда "Толибон" ҳаракатининг ҳарбий фаоллашув вазиятини кескинлаштирмоқда. Наркотик моддалар ишлаб чиқариш ва гиёҳвандлик моддаларининг тарқалиши назорат қилиб бўлмас даражада кенгаймоқда. Шундай экан, ушбу мам-

лакатда юзага келган аҳвол унга қўшни бўлган давлатлар, хусусан, бизни ҳам ташвишга солиши табиий.

Президентимиз 2008 йилда "Ёшлар йили Давлат дастури тўғрисида"ги Қарорида "...ёш авлодни ҳаётга қатъий эътиқод ва қарашлар руҳида, менталитетимизга ёт бўлган зарарли таъсирлар ва оқимларга қарши тура оладиган миллий ҳамда умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашга" алоҳида ургу берилган. Ҳўш, нега бу гап Давлат дастури даражасида ҳукумат миқёсидаги минбардан айтилган эди?

Агар эътибор қиладиган бўлсак, бу гаплар беҳуда айтилмагани, бу борада маълум маънода хавотир олишимизга асослар борлигини ҳис қиламиз. Масалан, бугун мафкуравий ҳуруж, мафкура қуроли, ахборот ҳаммалари деган тушунчалар пайдо бўлаётгани бежиз эмас. Мафкуравий таъкидларнинг ядро қуролларидан ҳам хавфлироқ эканлиги, бугун дунёда устунлик қилиш учун қурол-яроғ ваҳимаси билан кутку солиш шарт эмаслигини, ҳар қандай миллат орасига мафкуравий ҳуружлар, энг аввало, ўша миллатнинг ёш авлоди, униб-ўсаётган ёшларнинг онгини захарлаш йўли билан солиш мумкинлиги ва мафкуравий ганимларимиз худди шунга ҳаракат қилаётганликлари барчамиз англаб етишимиз керак.

Мафкура қуроли, аввало, таъкид кучлари томонидан "босиб олиниши" режалаштирилган миллатларнинг ёшларига қаратилади аён. Чунки, ўзга, ёт мафкуралар ҳамиртуруш бўлган гоғлар ўзга миллат ёшлари онгида тезроқ ниш уруши бор гап. Шунинг учун ҳам мафкура қуроли муҳим стратегик объектларга эмас, аксинча, болалар боғчалари, мактаблар ва бошқа таълим-тарбия масканлари, хуллас, ёшлар жам бўладиган даргоҳларга қаратиладики, бундан кўзланган асосий мақсад ёшлар онгини захарлашдир.

Глобаллашув ялови остида дунёда мафкура харитаси пайдо бўлаётгани, бу ҳарита ўргимчак тўри янглиғ

ўзга миллатлар руҳиятини ҳам ўраб-чирмаётгани сир эмас.

Биз киммиз, кимларнинг авлодимиз? Зуваламиз қорилган шу тупроқда қандай улуг аждодларимизнинг ҳокиётибди? Бу саволларнинг жавоби ҳар биримизда миллий ўзлик туйғусини кучайтиради. Ўзлигини англаган киши эса ёт мафкурага, сохта гоғларга берилмайди. Демак, биз ёшларимизни ёт мафкуралар ҳуружидан сақлаш учун, аввало, улар онгига Ватан туйғусини чуқур сингдиришимиз лозим. Дунё таъдидунинг устунларидан бири — бизнинг юртимиз, дунё тараққийотининг бешиги ҳам. Бу бешикда не-не улуг алломалар улғайган, деган тушунчалар онгига шаклланган авлодди ҳеч қандай мафкура бўронлари жойидан жилдирилмайди.

Шунинг учун биз ота-оналар, устозу мураббийлар, ма-

ҳалла оқсоқоллари фарзандларимиз тақдирига бефарқ бўлмаслигимиз керак. Эришадиган ютуқларимизни қўрқолмаётган кучларнинг нияти — ёшларимизни турфа найранг билан ўз йўриғига юргизиш. Ўзларининг ёвуз ниятлари йўлида динни ниқоб қилиб олган айрим оқимлар вакиллари фарзандларни оналарига, оиласига қарши қўйишга интилобга янада ташвишланарлидир.

Бугун ёшлар Ўзбекистонимизнинг байроғини халқаро спорт майдонларида баланд кўтарётган гоғлиб йигит-қизларимиздан ибрат олсин. Одам тоққа қўқинмайди, тошга қоқинади. Илоҳо, тошга қоқинмайди. Агар барчамиз ҳамжихат ва аҳил бўлсак, Ватанимизни севсак, Ўртбошимизнинг атрофида янада жипслашсак, бизни ҳеч ким енголмайди. Душман орамиздан чиқади. Унинг номи маҳаллийчилик, гуруҳбозлик ва бефарқликдир.

Бугун тинчлик учун курашиш, аввало, ўз уйимизни, ўз маҳалламизни, ўз Ватанимизни севиш, унинг равнақи учун фидойилик кўрсатиб ишлашда намоён бўлади. Бу туйғуни ёшлар онгига сингдириш, уларни Ватанга муҳаббат, келажакка ишонч, эзгу қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш эса ҳар биримизнинг зиммасига юксак масъулият ўқлайди. Зеро, бугунги таҳликали замонда мамлакатимизнинг тинчлигини, халқимизнинг оқилоғимизни таъминлаш нафақат ҳарбийлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳуқуқларининг, балки ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир. Шундай экан, ҳеч қачон огоҳлик ва ҳушёрликни унутмайлик!

Ишонч телефонлари

Маҳаллий давлат ҳокимияти, назорат қилувчи ва лицензия берувчи органлар томонидан таъдиркорлик субъектларига рухсатнома бериш, таъдиркорлик фаолиятини таъкид этиш, қўриқлаш рухсат бериш, қаластор орқали расмийлаштириш ва бинолар ижараси учун тўлов миқдорини белгилашда қўнғубузилиши, бюрократик тўққинликлар ва сансалорликларга йўл қўйилган тақдирда, Сиз таъдиркорлар ўз ҳуқуқларининг ҳимоя қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютата оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар прокуратураларининг қуйидаги "Ишонч телефон" рақамларига ёки «007» қисқа рақамига қўнғироқ қилишингиз мумкин.

№	Прокуратура органлари	Ишонч телефонлари
1.	Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси	Код: 8371 232-43-91 232-45-40
2.	Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖД/Д/К/К департаменти	Код: 8371 233-84-20
3.	Андижон вилоят прокуратураси	Код: 8374 224-06-09
4.	Бухоро вилоят прокуратураси	Код: 8365 223-74-79
5.	Жиззах вилоят прокуратураси	Код: 8372 226-09-62
6.	Қашқадарё вилоят прокуратураси	Код: 8375 221-07-82
7.	Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси	Код: 8361 222-26-39
8.	Навоий вилоят прокуратураси	Код: 8436 225-07-17
9.	Наманган вилоят прокуратураси	Код: 8369 226-23-02
10.	Самарқанд вилоят прокуратураси	Код: 8366 235-07-34
11.	Сирдарё вилоят прокуратураси	Код: 8367 223-38-22
12.	Сурхондарё вилоят прокуратураси	Код: 8376 223-20-36
13.	Тошкент шаҳар прокуратураси	Код: 8371 271-12-26
14.	Тошкент вилоят прокуратураси	Код: 8371 277-76-18
15.	Фарғона вилоят прокуратураси	Код: 8373 224-04-80
16.	Хоразм вилоят прокуратураси	Код: 8362 227-45-71

Бундан ташқари, фуқароларнинг илтимос ва мувожаатларини қўнғулик навбатчилик асосида қабул қилиш бўйича барча туман-шаҳар прокуратураларида ишонч телефонлари таъкид этилган.

Сизнинг ҳуқуқ ва қўнғулик манфаатларингиз тезкорлик билан ҳимоя қилиниши таъминланади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси

Бугунги кунда тадбиркорлик фаолиятига кенг имкониятлар яратилиб, молиявий кўмак ва солиқ соҳасида турли имтиёз ва преференциялар берилётган бир шароитда уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш муҳим аҳамият касб этади. Шу боис истиқболнинг дастлабки қўнларинан бошлаб тадбиркорликни қар томонлама қўллаб-қувватлаш борасидаги ислохотлар изчиллик билан амалга ошириб келинмоқда.

Имтиёз ва имконият

Жаҳонгир УСМОНОВ,

Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим катта прокурори

Хусусан, сўнгги йилларда қабул қилинган қонунлар, Фармонлар ҳамда қарорлар асосида тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олишнинг соддалаштирилган тартиби жорий этилиб, уларнинг молия-ҳўжалик фаолиятини фақат солиқ идоралари текшириши мумкинлиги ва тадбиркорларга нисбатан ҳар қандай санкциялар суд қарорига биноан қўлланилиши белгиланди. Ҳисобот тақдим этишнинг шакл ва турлари, тадбиркорлар фаолиятига асоссиз аралашув ва текширишлар сони кескин қисқартирилди. Биргина ўтган йилда "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида" ги Қонуннинг янги таҳири ва "Оилавий тадбиркорлик тўғрисида" ги Қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботлари, лицензияланадиган фаолият турларини ва рўхсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида" ҳамда "Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида" ги Фармонлари, шунингдек, солиқ-бюджет сиёсатининг 2013 йилги йўналишлари асосида 2012 йилнинг декабрь ойида тадбиркорлар ва аҳоли учун солиқ юкни янада пайсантиришга, солиқ тизимини соддалаштиришга ва солиқ ислохотларини такомиллаштиришга қаратилган муҳим ҳужжатлар қабул қилинди.

Бундан ташқари, Президентимизнинг қарори билан давлат бюджетни барқарорлигини таъминлаш борасида 2013 йилда аксарият солиқ турлари, жумладан фойда солиғи, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, қўшилган қиймат солиғи ҳамда бир қатор бошқа солиқ ва мажбурий тўловларнинг ўтган йилда амалда бўлган ставкалари сақлаб қолинди.

Бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларга мажбурий ажратмалар ставкалари сақлаб қолingan ҳолда фуқароларнинг бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига сўғурта бадали ставкаси 2012 йилдаги 5,5 фоиз ўрнига 6 фоиз қилиб белгиланди.

Жорий йилгача солиқ тўлови томонидан тан олинган солиқ қарзи қанча бўлишидан қатъи назар, уни ундириш учун судларга мурожаат қилинар эди. 2013 йилдан бошлаб эса солиқ тўловчининг мол-мулки ҳисобидан ундириш учун судларга мурожаат қилишда солиқ қарзларининг энг кам меъёрлари белгилан берилди. Унга қўра, Солиқ кодексига солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш мажбурияти юклатилган шахслар ва уларнинг қўйи тузилмалари учун солиқ қарзлари энг кам иш ҳақи миқдорининг 20 бараварига, жисмоний шахсларнинг солиқ қарзлари энг кам иш ҳақи миқдорининг 5 бараварига бўлган ҳолларда ушбу солиқ қарзларини мол-мулки ҳисобидан ундириш учун судларга мурожаат қилинмаслиги белгиланди.

Ушбу меъёрини қиритилиши, бир томондан, ҳозирда суд тартибидан ундирилаётган унча катта бўлмаган солиқ қарзи бўлган солиқ тўловчиларнинг қийматларини камайтирса, иккинчи томондан, солиқ органларининг ушбу қарзларни ундириш бўйича харажатларини ҳам қисқартиради.

2012 йил 25 декабрда қабул қилинган "Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2013 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги, шунингдек, солиқ ҳисоботини тақдим этиш даврийлиги қисқартирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида" ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ эса 4 та қонун ҳужжатларига, яъни "Банкротлик тўғрисида", "Бож тарифи тўғрисида", "Чет эл инвестициялари тўғрисида" ги Қонунларга ҳамда Солиқ кодексига ўзгариш ва қўшимчалар киритилди. Хусусан, 2013 йилги солиқ сиёсати концепцияси асосида, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида қўлланадиган айрим меъёрлар билан Солиқ кодекси меъёрларини мувофиқлаштириш ва тўғридан-тўғри амал қилишини таъминлаш мақсадида Солиқ кодексининг 50 та моддасига ўзгариш ва қўшимчалар киритилди.

2012 йил 29 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида" ги Қонуни билан ҳам бир қатор қонун ҳужжатларига, шу жумладан, Солиқ кодексининг 11 та моддасига ўзгариш ва қўшимчалар киритилди. Ушбу ўзгариш ва қўшимчалар 2012 йилда янги таҳрирда қабул қилинган "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида" ги, "Оилавий тадбиркорлик тўғрисида" ги Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, шунингдек, ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш борасида Президентимизнинг Фармонлари асосида тадбиркорлар учун яратилган имтиёзлар ва қўлайликларни Солиқ кодекси меъёрларига мослаштириш мақсадида киритилди.

Хулоса ўрнида айтиш лозимки, бозор муносабатлари, хусусий мулк ва тадбиркорлик бир-бири билан узвий боғлиқ тушунчалар бўлиб, хусусий мулкка асосланган бозор муносабатлари ва тадбиркорликнинг ривожланиши иқтисодий ўсишга олиб келади. Бозор муносабатларининг ривожланиши эса тадбиркорлик соҳасида иқтисодий эркинликни талаб қилади.

Тадбиркорлик ривожини қўшимча иқтисодий имтиёз тараққиётининг гарови ҳисобланади. Зеро, давлатимиз раҳбарининг таърифи билан айтганда: "Хусусий мулкнинг таркиб топиши ва бозор муносабатларига ўтишгина бугунги кунда инсоннинг иқидий ва меҳнат имкониятларини кенг очишга, боқиманда-чиликни енгишга қодир".

Тонглари мусатффо юрт

Қайси кун танишимни кутаётсам, рақамдан қўшни вилоятники экани кўриниб турган машина ёнгинамга келиб тўхтаб, ундан бир эркак ва бир аёл тушиб келишди.

— Узр, костюм-шим ишлаб чиқариладиган "Идеал" корхонасига қандай борса бўлади? — сўрашди улар саломлаша туриб. — Махсулотларини жуда макташди, ўзим чет эликидан ортиқ бўлса ортиқки, асло кам эмас.

Мақтовдан кўзларим кувнаб, кўнглим тоғдек кўтарилиб кетди. Уларга манзилни тушунтирар эканман, ўзимча гурурланиб қўйдим:

— Нафақат костюм-шим, кўйлаklar ҳам тайёрлашяпти! Юртбошимиздан "Спарк" автомобили олган йигитнинг корхонаси бу!

Ифтихор билан истиклол инъоми бўлиши бир нечта ишлаб чиқариш корхоналарини бир-бир хаёлимдан ўтказар эканман, эндигина 22 баҳорни қаршилаган, ёш бўлишга қарамай, трикотаж махсулотлари тайёрлашга ихтисослашган "Водий ёғоч савдо" хусусий корхонасига асос солган Исломбек Қутфидинов ёдимга тушди. Айни чоғда 40 нафар ходим меҳнат қилаётган жамоа дастлабки йили хорижий технологиялар асосида ишлаб чиқарган 361,1 минг АҚШ долларига тенг махсулотни экспорт қилган бўлса, ўтган йилнинг биринчи ярмидаёқ бу кўрсаткич 742 минг АҚШ долларидан ошиб кетди. Шу йилиёқ Исломбек "Ташаббус-2012" қўриқ-танловининг республика босқичида иштирок этиб, "Энг яхши ёш тадбиркор" номинацияси бўйича голиб бўлди.

Ҳа, мустақиллик байрами ҳамон бизни тарқ этмаган шу ажиб қўнларда тонглари мусатффо юртимнинг қўнма-қўн қўлга киритаётган ютуқлари бутун бўй-баста билан намоян бўлаверади.

Дарвоқе, қўртимизда, жумладан, Наманган вилоятида ҳам турли халқ истеъмолчи моллари, ноозик-овқат махсулотлари билан бир қаторда, озиқ-овқат махсулотлари ишлаб чиқариш ва қайта ишлашга ихтисослашган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳам тобора кўпайиб, ривожланиб бормоқда. Илгари фақат чет элдан келтирилаётган махсулотлар ўрнини ўзимизнинг тадбиркорлар замонавий технологиялар асосида ишлаб чиқарилаётган тайёр ва яримтайёр озиқ-овқат махсулотлари эгалламоқда.

Наманганнинг иқтисодий салоҳиятидан энгил санатод, машинасозлик ва бошқа саноат тармоқлари билан бир қаторда, озиқ-овқат саноати ҳам алоҳида ўрин тутди. Бунини жорий йилнинг биринчи ярми йилида ялпи ҳудудий махсулот ишлаб чиқаришда озиқ-овқат саноати 29,2 фоизни ташкил қилгани мисолида ҳам кўриш мумкин. Шунингдек, бу тармоқда ўсиш суръати 104,9 фоизни ташкил этди.

Умуман олганда, мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган катта эътибор, яратилаётган қўлай инвестицион муҳит ва шарт-шароитлардан унумли фойдаланиб, махсулот турлари, ҳажми ва сифати тобора орттиб боришига эришилмоқда.

Қиёслайдиган бўлсак, ўтган йилнинг олти ойида вилоятимизда озиқ-овқат махсулотлари ишлаб чиқариш ва қайта ишлашга ихтисослашган 396

та субъект томонидан 214,6 миллиард сўмлик 30 турдаги махсулот ишлаб чиқарилган бўлса, жорий йилнинг ўтган даврида бундай корхоналар сони 64 тага кўпайиб, ҳозирда улар томонидан ишлаб чиқариладиган махсулотлар тури 37 тага етди. Жорий йилда вилоятда 250,6 миллиард сўмлик озиқ-овқат махсулотлари ишлаб чиқарилиб, истеъмолчиларга етказиб берилди.

Бу борада вилоятда саноатини жадал ривожлантириш дастурлари бўйича қўрилаётган амалий чора-тадбирларнинг изчиллиги муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Вилоят иқтисодий бош бошқармаси маълумотларига қўра, ўтган йилнинг ўзида озиқ-овқат ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш бўйича 27 та лойиҳа амалга оширилиб, банк кредитлари, субъектларнинг ўз маблағлари ҳисобидан 7,4 миллиард сўм инвестиция киритилди ва қўлилли нон, макарон, кондитер махсулотлари, ликёр-ароқ ва вино, сут ва гўшт махсулотлари, узум шарбати, қурилган мевасабзавотлар каби махсулотлар тайёрлаш йўлга қўйилди. Жумладан, Наманган шаҳридаги "Нихол зиё савдо телеком" масъулияти чекланган жамияти, Наманган туманидаги "Иқбол" хусусий корхонаси, Уччи туманидаги "Супер брейд" масъулияти чекланган жамияти ва Чортоқ туманидаги "Чортоқ нон" масъулияти чекланган жамиятини мисол келтириш мумкин. Эътиборлиси, мазкур лойиҳаларнинг ҳаётга татбиқ этилиши натижасида 259 та янги иш ўринлари яратилиб, бандлик дастури ижросига ҳам салмоқли ҳисса қўшилди.

Бу каби амалий ишлар "Обод турмуш йили" да ҳам изчил давом эттирилмоқда. Жумладан, жорий йилда Наманган вилоятида озиқ-овқат саноатини ривожлантириш бўйича махсус дастурлар асосида 18 миллион АҚШ долларидан зиёд қийматдаги 113 та лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилган бўлиб, ўтган олти ойи мобайнида 5 миллион АҚШ доллари миқдорида сармоа ўзлаштирилиб, 64 та лойиҳа фойдаланишга топширилди. Жумладан, Наманган шаҳрида "Qora qum shirinliklari" масъулияти чекланган жамияти, "Зинхор Савдо Инвест", Косонсой туманидаги "Накши жохон", Наманган туманидаги "Silver max boss milk", Норин туманидаги "Норин эзгу ниятлари" хусусий корхоналарида янги қувватлар ишга туширилиб, уларда нон махсулотлари, қандолат, макарон, салқин ичимликлар каби 10 дан ортиқ турдаги озиқ-овқат махсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Бундан ташқари, вилоятда қишлоқ ҳўжалиги махсулотларини қайта ишлаш саноатини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 31 октябрдаги "2012-2015 йилларда республика озиқ-овқат саноатини ривожлантириш ва бошқарувини ташкиллаштириш

Нилуфар НИЁЗОВА,
«Huquq»

янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги Қарори билан тасдиқланган Дастурга асосан, вилоятда 2013 йилда сўтнни қайта ишлаш бўйича 6 та, сутни қайта ишлаш бўйича 7 та, мевасабзавот ва узумни қайта ишлаш бўйича 7 та лойиҳани амалга ошириш ҳамда бу мақсадларга 5,6 миллиард сўм маблағ сарфлаш кўзда тутилган. Йилнинг ўтган даври мобайнида дастур доирасида 3 та сутни, 2 та мевасабзавотни, дастурдан ташқари 4 та сутни, 4 та мевасабзавотни қайта ишлаш, жами 13 та лойиҳа амалга оширилиб, 1586,2 миллион сўм ташаббускорлар маблағлари ва 285 миллион сўмдан зиёд имтиёзли банк кредитлари сарфланди. Дастлабки босқичларда бу субъектларда қўшимча 110 киши иш билан таъминлангани эътиборга молик.

Жумладан, дастурга асосан Наманган шаҳридаги "Афруз Камол Наби" масъулияти чекланган жамиятининг мевасабзавотларни қайта ишлаш корхонасида модернизация тадбирлари амалга оширилиб, мевасабзавот махсулотларини қуришти технологияси олиб келиб ўрнатилди. Ҳозирда бу корхонада йилга 6000 тонна бог-поллиз махсулотлари замонавий технологиялар асосида қайта ишланиб, эл дастурхонага тортиқ қилинмоқда. Шунингдек, Янгйўлгон туманида хусусий тадбиркор Абдувоҳид Исманов томонидан йилга 100 тонна мевани қуришти қуватига эга бўлган янги цех ишга туширилди.

Косонсой туманида "Чашмаи Сафед" фермер ҳўжалигида 350 тонна ва Поп туманидаги "Нуроний Зафар Жўраев" масъулияти чекланган жамияти томонидан 50 тонна, Наманган шаҳридаги "Asil-sharo go'sht mahsulotlari" хусусий корхонасида 20 тонна сутни қайта ишлашга мослашган линиялар реконструкция ва модернизация қилиниши натижасида мазкур корхоналарда ишлаб чиқариш ҳажми ва сифатида катта ўзгаришларга эришилди.

Шунингдек, дастурдан ташқари, Чортоқ туманидаги "Ақбар Мубина Амир" корхонасида йиллик қуввати 30 тонналик, Попдаги "Санг чашмаси" хусусий корхонасида 85, Тўрақўрғондаги "Шаханд-Жавоҳир-сервис" масъулияти чекланган жамиятида 300 ва Уччи туманидаги "Тўрақўрғон чорва махсулот" фермер ҳўжалигида 200 тонна сутни қайта ишлаш, Учқўрғон туманидаги "Азиз бобо" фермер ҳўжалигида 1000, Чўстдаги "Чўст Агромир" қўшма корхонасида 200, Янгйўлгондаги "Абдулазиз Азизбек Севара" масъулияти чекланган жамиятида 100, "GOLD ZARKENT MAX" корхонасида 200 тоннага мевасабзавот ва узумни қайта ишлаш қувватлари ишга туширилди.

Юқоридаги рақамларни бежиз эътироф этмадик. Тан олиш керак, мустақиллик, истиқлол тон маънода халқимизга озолидик, эрк, шунинг баробарида, эмин-эркин ишлаш бахтини тўхфа этди. У тўфайли азалий одатларимиз, миллий анъана ва қадриятларимиз қайта тикланди.

Саробдаги «форсаж»



Ўсмирлик ҳиссиётларга, орзу-умидларга тўла давр. Аммо ҳар нарсанинг меъёри бўлгани яхши. Чунки, жиловланмаган орзу, ҳиссиётлар ва хомхаллар оғушида мақсадга етишаман, деб боши берк кўчага кириб қолиш ҳам ҳеч гап эмас.

Воқеамиз "қахрамон"лари ҳам олдилари-га қўйган мақсадларга ана шундай хомхал эканлигини англаганларида жуда кеч бўлган эди.

Бир коллежда, бир курсда ўқийдиган "тўрт оғайни ботир"лар одатдагидек дарс тугагач, кунни мароқли ўтказиш мақсадида кечки пайт шаҳардаги "Белка" интернет-кафесига учрашишга келишиб олишди. Айтилган вақтда, белгиланган жойда ҳозир бўлган болалар интернет-кафеда хорижнинг "Форсаж" номли янги фильми келганлигини билиб, шуни қўйиб беришни илтимос қилишди. Фильм намоиши уларга ўзгача таъсир кўрсатди. Айниқса, фильм қахрамонларининг мақсад сари интилишлари ва воқеалар болаларда ўзига бўлган ишончини қучайтириб, ана шундай "қахрамонлик" сари ундади.

Айниқса, Асаднинг ўртага ташлаган режаси уларни жуда қизиқтириб қўйди. Бундан кейинги уч-тўрт кун фақат шу фикр муҳокамаси билан ўтди, деса ҳам бўлади. Ниҳоят, бу фикр йўловчи автомашиналарни зўрлик билан қўлга кириштириш ҳақидаги режа билан якун топди.

Ишни узокқа чўзиб ўтирмай, шу йилнинг 4 февраль кунни кечки пайт Ботирнинг уйида тўпланишди. Овқатлашиб, сўнг Ботирнинг хонасига кириб кетишди. Орадан бироз ўтгач, Ботир отасининг ёнига чиқиб, болалар билан музика эшитиш бахонасида шаҳардаги кўп қаватли уйдаги хонадонларига бориш учун рухсат сўради. Ботирнинг дўстларини ота-онаси яхши танишганлиги учун ҳам уларнинг бу хонадонда йиғилишлари ҳеч қандай шубҳа уйғотмади ва шу сабабли ота рухсат берди. Ботир уйдан чиқаётиб, ошхонадаги иккита пичоқни кийимлари орасига солиб чиқди. Лекин кўп қаватли уйга эмас, балки доим ўзлари йиғиладиган интернет-кафега келишди.

Тўзилган режа бўйича, Ботир ва Ўктам кафеда кутадиган, Асад билан Шокир эса "ўлжа" топиб келаётган бўлишди. Шу мақсадда Шокир билан Асад Тошкентга қатнайдиган автомашиналар тўпланадиган жойга йўл олишди. Олдинга чет-роқда туриб, автомашина танлашди. Йўл ёқасида турган "Ласетти" автомашинаси кўзларига оловдек кўринди, шекилли, унинг эгаси ёнига келиб, "Ака, Тошкентгами", деб сўрашди. Хайдовчидан "ха" деган жавобни эшитгач, тўртта одам борлигини айтиб, қира ҳақини 180 минг сўмга "пиширишди". Қолган иккита

шерикларини эса шаҳардаги "Белка" интернет-кафесидан олиб кетадиган бўлиб, йўлга чиқишди.

Олдиндан келишилгандек, пичоқ билан қуролланган Шокир олди ўриндиққа, иккинчи пичоқни олган Асад эса Ўктам ва Ботир билан орқа ўриндиққа жойлашди.

— Ўқишга кетаяпсизларми дейман, — сўради хайдовчи.

— Йўқ, ака, дўстларимизни спорт мусобақасида қўллаш учун кетаяпмиз, — дея жавоб қайтарди Шокир.

— Тошкентнинг қаерига боришни келишмабмиз ҳам-ку, — деди хайдовчи таажжубланиб.

— Ака, сиз юраверинг. Тошкентга кираверишда телефон қилиб билиб оламиз.

Йўловчиларнинг бориш манзили хали аниқ бўлмасда, хайдовчи учун уларнинг бир жойда тушишлари бир-бирига бегона бўлган одамларни турли манзилга олиб боришдан кўра жуда қулай эди. У шуни ўйлаб, одатдагидек катта йўлдан эмас, балки шаҳарни четлаб ўтиб кетадиган қисқароқ йўлдан юрди.

Йўлнинг ҳар икки тарафи гоҳо боғлар, гоҳо кенг дала-лардан иборат бўлгани, шаҳардан ташқарига кўп чиқмайдиган йўловчиларнинг эътиборини тортди. Шу зайл ярим соатдан ошқ вақт қандай ўтиб кетгани хатто сезилмади ҳам.

Орага чўккан сукунатни Ўктам бузди. У Ботирнинг биқинига секин туртиб, бошла-майсанми, дегандек имлади.

Ботир қорни оғриб қолганлигини баҳона қилиб, хайдов-чидан четроққа тўхташни илтимос қилди. Машина йўл четига тўхтагач, Ўктам ҳам бирга бораман, дея Ботир билан тушиб кетди.

Улар қайтиб келишгач, машина яна йўлга тушди. Аммо бирортаси "иш"ни бошлай, демасди. Орадан ўн беш минут ўтар-ўтмас Ўктам ўз телефонида қолганларга бошла-маймизми, деган мазмунда смс юборди. Бунга ҳеч ким жавоб қилмагач, Ботирни секин туртиб, тушмайсанми, деган ишорани қилди. Ботир яна қорни оғриётганлигини айтиб, машинани тўхтатди ва Ўктамга бирга юр, дегандек имлаб, тушиб кетди.

Машинанинг кимсасиз ва қоронғу жойда тўхтаганлиги айтиб муддао эди. Хайдовчи ҳам фурсатдан фойдаланиш учун машинадан сигарет чек-кани тушиб кетади.

Ботирнинг ўта безовталигидан хайрон бўлиб, орқасидан етиб келган Ўктам:

— Нима дейсан? — деб сўради.

— Хайдовчи синфдошимиз

Толиб Тўраев,
Бош прокуратура бошқарма
катта терговчиси

Барнонинг отаси Наримон ака-ку, танимадингми? — деди Ботир кўзларини олайтирганича.

— Мен нима қилай? — хайрон бўлди Ўктам.

— Бу ишни қилиш керак эмас, — деди Ботир.

Болалар бахшлаганча, машинага қайтиб келиб ўтиришди. Лекин Ботир бу сафар ҳам узок "юролмади". Ўн минутлар вақт ўтиб, у машинани яна тўхтатишни сўради. Аммо бу сафар хайдовчи чидаб туришни, бироздан сўнг милиция пости келишини, ўша ерда тўхтатишни айтди. Хайдовчининг бу гапи болаларнинг бошига муздек сув сепгандек бўлди ва улар жимми қолишди. Буни хайдовчи ҳам сезиб, буларнинг пули йўқ, шекилли, шунинг учун қира ҳақини бермай, текинга етиб олишмоқчи, деган шубҳага борди-ю, сездирмасдан йўлида давом этди. Бироқ, сал ўтиб ўзига келган Ботир машинани тўхтатмасга бўлмаслигини айтди. Хайдовчи иложсиз тўхтади.

Ўктам бу сафар ҳам Ботирга шерик бўлди.

Шокир бундай кетавериш ярамайди, дегандек орқа ўриндиқдаги Асадга қараб қўйди. Бу бошла, деган ишора эди. Асад ёнидан пичоқни чиқариб, хайдовчининг бўйига тиради ва "бизга машина керак" деб пичоқни тортиб юборди. Лекин хайдовчи кўртқасининг ёқаси баланд бўлиб, бўйинини беркитиб турганлиги боис, Асад ҳамла қилган вақтда бошини пастга эгишга улгурди ва пичоқ унинг лаби ва жағини тилиб юборди. Хайдовчи орқага ўгирилиб, Асаднинг қўлидаги пичоқ тигини ушлаб, тортиб олмақчи бўлганида, қафтини кесиб кетди.

Авалгига бироз довдирган Шокир ҳам хайдовчига ён томондан пичоқ билан ҳужум қилди. Аммо хайдовчи буни сезиб, унинг қўлидаги пичоқни тигидан ушлаб олишга улгурди ва бор кучи билан тигини қайириб, сундириб юборишга, Асаднинг қўлидаги пичоқни эса қафти кесилиб кетган бўлишига қарамай, тортиб олишга эришди. Бу орада пичоқ унга қаршилиқ қилаётган Асаднинг қўлини кесиб кетди-ю, у оғриқдан бақариб юборди. Хайдовчинини қаттиқ жароҳатлаган бўлишида унга кучлари етмаслигига ақли етган босқинчилар эшикни очиб, қочиб қолди.

Машинага яқинлашиб келаётган Ўктам билан Ботир машина ичидаги ғала-ғовурни ва ундан қочиб чиққан Асад ва Шокирнинг аҳолини кўриб, уларга қўшилиб қочишга тушишди. Олган жароҳатларидан юз-қўллари қонга бўлган хайдовчини уларни 10-15 метрлар қувлаб, ортига қайтди.

Далалардан ўтиб йўлга чиқиб олган босқинчи болалар йўловчи автомашинага чиқиб, уйларига етиб олишди. Ёнларидан пуллари бўлмаганлиги учун қира ҳақида Шокирнинг қўл телефони беришди.

Содир бўлган бу ишни ҳеч ким билмайди, деб ўйлаган босқинчилар эртаси кун қўлга олинди. Суд уларнинг содир этган жиноятини кўриб чиқиб, беш йилдан тўққиз йилгача бўлган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлади.

Одамнинг қўли эгри бўлса, қаерга бормасин кўзи ўйнаб, бирор нарсани ўмариб кетиш дардида бўлар экан. Косонлик Фозил Холиқов (исм-фамилиялар ўзгартirilган) ҳам ана шундай қўли эгрилар тоифасидан бўлиб, аввалига ожиз аҳолидаги бир инсонга нисбатан босқинчилик уюштириб, сўнгра жиноятини яшириш мақсадида унинг умрига зомин бўлди.

Ўғри, босқинчи, қотил...

К.Тўрақулов,

Бош прокуратура бошқарма прокурори

Бу ходиса 2012 йилнинг 14 июлидан 15 июлига ўтар кечаси содир бўлган эди. Воқеа тафсилотларини баён этишдан олдин Фозилнинг 2010 йилдаги қилмишини келтириб ўтсак. Ўшанда қишлоқдоши Эшмурод Саидовнинг дарвозахонасида турган ёғочларни кўриб, унинг тинчи йўқолган эди. Қандай қилиб бўлмасин, ҳодаларни қўлга киритиб, сотиб юбориш борасида боши қотган Фозил таниши Комил Расуловни "хамкорлик"ка қорлади. Чунки, унинг "Муравей" русумли мотоцикли бор эди-да!

Хуллас, Комил ҳам танишининг чорловида "лаббай", дея жавоб қайтарди. Икковлон тун ярмида Эшмурод бобонинг ҳовлисига кириш дарвозаси ичкарида бўлган, ҳар бирининг узунлиги 6 метрдан келаётган 10 дона, баҳоси 350 минг сўмлик ҳодаларни "Муравей"га ортиб, энди жуфтаник ростламоқчи бўлишганида, уларни хонадон эгаси кўриб қолади ва ўғрилар ўзларига боғлиқ бўлмаган ҳолда жиноятни охирига еткази олишмайди.

Аслида мана шу хато Фозилга дарс бўлиши керак эди. Лекин у бундан тўғри хулоса чиқармай, ундан-да оғир жиноятга қўл урди. 2012 йил 14 июль кунни таниши Азамат Туропов билан "қиттай-қиттай" қилгач, чорраҳада оғайнис билан хайрлашиб, ўз уйи томон кета бошлади. Аммо узоклашиб улгурмасидан, танишининг баланд овоздаги қақирғини эшитиб, ортга қайтди. Бориб қараса, қум уюми устида бир киши маст аҳолда ухлаб ётибди.

— Ким бу киши? — дея сўради Фозил.

— Танимадим, бошқа маҳалладан бўлса керак.

Фозилнинг нотаниш одам эғнидаги қўйлақ чўнтагидаги уяли алоқа телефонида кўзи тушиб, дарров фикри бузилди. Ўзини унга ёрдам бераётгандай кўрсатиб, унинг телефони олгач, рақамлар рўйхатини кўздан кечири бошлади.

— Нима қилмоқчисан? — сўради Азамат унинг мақсадини аниқлаб.

— Нима қилардим, шу телефон орқали уйдагиларни то-памиз. Кейин қайси маҳалладан эканлигини аниқлаб, уйига олиб бориб қўямиз.

— Тўғри ўйладинг, қойилман.

Телефонлар рўйхатидаги "Мухлиса қизим" деган ёзувга кўзи тушган Фозил дарҳол шу рақамга қўнғироқ қилиб, нотаниш одамнинг Косон шаҳри Шабада маҳалласида яшашини билиб олди. Сўнгра телефонни ўчириб, шеригига юзланди:

— Бу одам Шабада маҳалласидан экан. Телефонни ўгли кўтарди. Ҳозир Шаҳрисабзда тўйда экан. Бобур акани уйғотиб, ўзимиз уйга жўнатиб юборамиз.

— Шундай қиламиз, қўнминг устида ётмасин.

Икковлон Б.Дўрмоновни ўридан тургазиб, уйга кетиш йўлини кўрсатишди. Бобур ака гандирақлаб кўрсатилган йўналиш бўйлаб кета бошлади. Фозил унинг ортидан қузатиб тураркан, ғаразли ниятини улфатига ошкор қилди.

— Ортидан бориб, телефони олиб қўяман. Кайфи бўлса, бизни таниб ўтирибдими.

— Унга тегма, қилган яхшилигимиз қаерда қолади бунақада? — дея уни инсофга чақирмоқчи бўлди Азамат.

Бироқ Фозил танишининг маслаҳатига кинояли илжайиб қўйганича, режасини амалга ошириш мақсадида Б.Дўрмоновни таъқиб қилишга тушди. Бобур ака қўча бошидаги қаналга яқинлашганида, Фозилнинг ҳужумига дуч келди. Фозил унинг уяли алоқа телефони босқинчилик йўли билан қўлга киритиш билан қаноат қилмади. Қилган жиноятини яшириш учун жабрдийданин дуч келган жойига уриб-тепа кетди. Сўнг оғир тан жароҳати олган Бобур Дўрмоновни канал қирғоғига олиб бориб, сувга итариб юборди...

Жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилоят судида бир пайтнинг ўзида босқинчилик ва қотиллик жиноятларида қўл урган Фозил Холиқовнинг иши кўриб чиқилди ва суд томонидан унга тегишли жазо тайинланди.



Бу ЖИП кимники?

Сайидкуловлар оиласи қишлоқдаги ўртаҳол оилалардан бўлиб, тўнғич ўғил Самадхўжа тирикчилик вақтидан Россияга кетиб, ўша ерда ишларди. Орадан икки йилга яқин вақт ўтиб, дабдурустдан қишлоққа "Каптив" машинасини ҳайдаганча кириб келди. Бекатда одам кўп эди.

— Бу ким? Нима қилиб юрибди бу ерларда?

— Танимадингми, ўзимизнинг Самадхўжа-ку!

— Баракалла, Алпомишнинг ишини қилибсан, лекин.

— Бола бекор юрмаган экан. Мана, ишласа бўларкан-ку! — дейишди кўрганлар. Кўпчилик ҳайратдан ёқа ушлади. Шундай бўлса-да, айримлар унинг бирдан бойиб кетганига ишонмади. Бунинг ўзига яраша сабаблари бор эди...

Россияда иш бор

Бундан уч йилча муқаддам даромад топиш мақсадида Россиянинг Краснодар шаҳрига йўл олган Самадхўжа турли жойларда ёлланма ишчи бўлиб ишлаб юрди. Ниҳоят, ўзига мос иш топди — полиэтилен идишларни қайта ишлайдиган цехга ишчи бўлиб кирди. Кўп ўтмай цех бошлигининг ишончини қозонди. У ишчи қучига эҳтиёжи борлигини билдиргач, Самадхўжа дарҳол укалари Акбархўжа, Одилхўжа ва Қодирхўжаларни ёнига чақирди.

Ўтган йилнинг бошида ишчилар ўз юртиларига қайтиб кетганлиги сабабли, янги ишчи қучи зарур бўлиб қолди. Фурсатдан унумли фойдаланиб қолишни ният қилган Самадхўжа қишлоғига қайтиб келди. "Россияда маоши ўртача 500-600 АҚШ доллари миқдорида иш бор, ётоқхона ва иссиқ овқат билан таъминлайман" деган гап тарқатди. Унинг гапига ишонган йигитлар иш сураб кела бошлашди. Олдинига пайариқлик танишларидан ўн кишини Россияга юборди. Кейин қисқа фурсатда Иштихон туманидан йигирма бешга яқин, Қўшработдан икки нафар йигитни ишлагашга кўндирди.

Ака-ука одамфурӯшлар

Уларни Россияда укалари кутиб олишди. Олдинма-кейин тўрт йигит билан Самадхўжанинг ўзи ҳам етиб борди. Бу ерда тўпланган юзга яқин йигитларни кўриб, ўзининг ишбилармонлигидан гурурланиб ҳам қўйди. Лекин бунинг бировга сездирмади.

Йўл харажати ўзимдан

Ойбек иш излаб юрганди, Акбархўжага йўлиқиб қолди:

— Қачонгача шу аҳволда юрасан, тузукроқ иш топиб, ўзингни ўнглаб олмайсанми, — деди унга ачингандек Акбархўжа.

— Қанийди яхшироқ иш топсам, — дардини айтиб қолди Ойбек ҳам.

— Хоҳласанг, Россияда иш бор. 500 доллар атрофида ойлик олсан, — қизиктира бошлади Акбархўжа.

— Яхши бўларди, лекин йўлга ҳам пулим йўқ эди.

— Хавотир олма, бизниқда қурилиш бўлаётти, ёрдам бериб тур. Йўл харажатиингни ўзим кўтараман.

Ойбек рози бўлди. Икки ойча Акбархўжанинг уйда ишлаб юрди. Бир кун Самадхўжа кириб келди. Ойбекни ҳам ўзи билан олиб кетди.

Краснодардаги ҳаёт

Краснодар шаҳрига етиб келган Самадхўжанинг биринчи қилган иши йигитларнинг паспортларини йигиб олиш бўлди.

— Рўйхатга қўйдираман, — деди ўзининг ҳаракатларини тушунтирган бўлиб. Сўнг йигитларга иш тартибини тушунтирди.

— Турли ахлатхоналардан баклашлар терасизлар, кунлик норма 250 кило. Шунга қараб, иш ҳақи олсизлар.

Йигитлар рози бўлишди. Бирок, улар адашишган эди. Аста-секин Самадхўжа ва укаларининг асл қиёфаси намоян бўла бошлади.

Ахлат титиб, баклашка тегиш осон иш эмас экан. Унинг устига ётоқхона ҳам талабга жавоб бермас, 15-18 киши битта хонада тикилиб ётишарди.

Орадан ойлар ўтди. Аммо ваъда қилинган ойликдан дарак бўлмади. Самадхўжа белгиланган нормани бажармаганларни уриб-сўкиб, кечаси мажбурлаб, юк орттирарди. Тайинли егулик йўқ, кўчада овқатланай дейишса, чўнтақнинг пул кўрмаганича бир неча ой бўлган. Очликдан силласи қуриган йигитлар ахлат тўпланадиган жойни титиб, у-бу нарса топиб ейишарди.

Иш ҳақи ва паспортларини талаб қилганларни Самадхўжа укалари билан тутиб олиб, дўппосларди. Хуллас, пичоқ бориб суякка қадалди. Лекин, бундан бирор натижа чиқмади.

Халқимизда "Камбағални туянинг устида ҳам ит қопади" деган мақол бор. Шунча кўргуликлар етмагандай, қуларнинг бирида йигитлар яшаб турган уй ёниб кетди. Бу эса Самадхўжага қўл келди.

— Сенлар ўзларинг уйни ёқиб юборгансан, паспортларинг ҳам шу уйда эди. Ҳамма-

си ёниб кетди, — деб туриб олди. Паспортсиз уйга қайтолмасликларини билган йигитлар жим қолишди. Самадхўжа уларга бериши керак бўлган пуллари "янги уй курамыз", деб бермади.

Жонидан тўйган йигитлардан бири уйига қўнғирок қилиб, пул юборишларини сўради, бошқаси иш излаб кетди. Хуллас, ҳамма ўз жонини қутқаришга киришди.

Юртга қайтиш

Ойбек Шамшиев Қодирхўжага "уйимга кетаман", деди. Айтмагани дуруст экан. Зўравондан калтак егани қолди. "Ўлдирсанг ҳам кетаман", деган йигит ўрнидан бир амаллаб туриб, бу ерни тарк этди. Кейин у ер-бу ерда ишлаб, йўлиқарага озроқ пул тўплади ва уйига қайтди.

Ғулом Муқаррамов эса отасидан 1 млн. сўм юборишини сўради. Фарзанд азиз эмасми, ота бир йўлини қилиб, пулни етказди. Пулни олган йигит шу заҳоти юртига қайтишга чоғланди.

Самадхўжанинг ҳийласига учиб борган ўнлаб йигитлар шу зайл бир амаллаб ортларига қайтиб келишди ва уларни алдаб, хорлик-зорликка гирифтор этганларни, қарғишга қолганларининг қасри урди. Энди улар кўп йиллар давомида панжара ортида ўз қилмишлари учун жавоб беришга мажбурдилар.

Жаҳонгир БОЗОРОВ,
Самарқанд вилоят прокуратураси
бўлим бошлиғи
Дўстбек СУЛАЙМОНОВ,
«Huquq»

Жиноятга жазо муқаррар

Ниҳоят, ака-укаларнинг ҳам сафари қариди, шекилли, бирин-кетин қайтиб кела бошлашди. Самадхўжанинг гапи билан укалари "Captive"ни сотиб, "Epica" олишди. Россиядан ноқонуний топиб келган даромадларига яна "Lassetti" ва "Nexia" ҳам сотиб олинди. Шунингдек, Самадхўжа республикамиз ҳудудига ўтаётганда, божхона текшируви чоғида унинг ёнидаги телефон хотирасидан диний ақидапарастликни тарғиб қилувчи файллар топилиди. Ахир, юртимиз қонунларида республика ҳудудига бу каби гоғлар акс этган маърузаларни олиб кириш таъқиқланган. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита экспертизасига қўра, маъзур маърузалар диний ақидапарастлик гоғлари эканлиги тўла исботланди.

Суднинг ҳукми билан Самадхўжа Сайидкулов қилмишларига яраша жазо тайинланиб, узил-кесил 10 йил озодликдан маҳрум этилди. Унга яқиндан қўмак берган укалари Қодирхўжа 9 йил, Акбархўжа эса 8 йил муддатта панжара ортида ўтирадиган бўлди. Шунингдек, уларнинг жиноий даромадлари ҳисобига олинган "Chevrolet Epica" русумли автомашина давлат эғалигига ўтказилди.

Халқимизда "Бировнинг ҳақи буормайди", деган гап беҳиж айтилмаган. Бу йигитларга ҳам ўзгаларни алдаб, хор-зорликка гирифтор этганларни, қарғишга қолганларининг қасри урди. Энди улар кўп йиллар давомида панжара ортида ўз қилмишлари учун жавоб беришга мажбурдилар.

Автокорхонадаги ўзлаштиришлар

Инсон учун юртини обод қилиш, унинг равнақи йўлида филойимарча меҳнат қилиш шараф. Шахримизнинг экологик тоза, атроф-муҳитга зарарсиз трамвай йўллари билан бойнишда заҳматкаш меҳнатчи билан хизмат қилаётган юртошларимизнинг борлиги эса биз учун катта ифтихорим.

Бугун пойтахт транспорт инфратузилмаси такомиллашиб, йўловчи ташиш соҳасида барча мулкчилик шаклидаги субъектлар учун рақобат муҳити яратилди. Бундан ташқари, янги транспорт магистраллари, кўприклар барпо этиш билан бир қаторда, трамвай тармоқлари ҳам янгиланиб, улар қатнайдиган йўналишлар узайтирилди. Экологик тоза ва хавфсиз ер усти электр транспорти — трамвайларнинг янги замонавий авлодлари шахримиз аҳолисига хизмат қилмоқда. Бу ўз ўрнида, пойтахтимизнинг жамоат транспорти тизимининг узлуксиз ва сифатли хизмат кўрсатишини таъминламоқда. Аммо афсуски, ана шу ислохотларга панжа орасидан қараб, ўз манфаати йўлида корхона маблағларини талон-торож қилётган мансабдор шахслар ҳам учраб турибди. Бундайлар сирасига "Тошэлектротранс" давлат акциядорлик компаниясига қарашли "2-Трамвай депоси" ДУК раҳбари бўлиб ишлаган Адхам Илёсовни (исм-фамилиялар ўзгартирилган) киришти мумкин. У 2008-2011 йиллар оралиғида мансаб ваколатларидан фойдаланган ҳолда қисқа муддатда ташкил этилган фирма ва ташкилотлар билан товарсиз сохта шартномалар тузиш орқали корхонанинг ҳисоб-рақамидаги пул маблағларини нақдлаштириш йўли билан ўзлаштириб келган.

Устамон раҳбар 2010 йилда 20 та ва 2011 йилда 16 та турли жамиятлар билан сохта шартномалар тузиб, ана шу жамиятлар ҳисоб-рақамига 512 млн. 281 минг сўм пул маблағларини ўтказиш орқали талон-торож қилади. Сўнгра, ноқонуний қилмишларга қонуний тус берилади, яъни ушбу субъектлардан сохта сўт-фактуралар олиниб, шартномада кўрсатилган товар-мод-

Дилшод БАХРОМОВ,

Тошкент шаҳар прокуратураси АМИБ терговчиси

дий бойликлар ҳамда автомобиль эҳтиёт қисмларининг номлари кўрсатилган жимжимадор рўйхат "асл" ҳужжатларга тикилади.

2011 йилда А.Илёсов "Тошавтобустранс" АК "3-автотубсаройи" ОАЖ бошқарув раиси лавозимига ишга ўтади. "Ўрганган кўнгли ўртанса қўямас", деганлари-дек, у бу лавозимда ҳам жим ўтирмайди.

Тез орада қисқа муддатларга очилган "Активуз" МЧЖ, "Денвер Групп" МЧЖ, "Нафта Трейдинг" сингари бир нечта жамиятлар билан юқоридаги усулда 154 млн. 839 минг сўмлик шартномалар тузишга эришади. Мазкур сохта шартномалар, сўт-фактуралар, ҳамда олинган эҳтиёт қисм ва товар-моддий бойликларнинг қимматлаштирилган нархларидан рўйхатли тузилиб, ҳужжатларга қўйилади. Шу йўл билан "3-автотубсаройи" ОАЖнинг жуда кўп миқдордаги маблағлари ўзлаштириб юборилди.

Эс-ҳаёли факатинга кассасини қаппайтириш бўлиб, иш самарадорлигини умуман ўйламаган раҳбар А.Илёсов ўринбосари Воҳид Раҳимов билан тил бириктириб, ҳайдовчиларга белгиланган рейслардан ташқари қўшимча рейслар қўйиш орқали, яъни автобуслар ҳақиқатда бажармаган рейслар учун ҳужжатлар расмийлаштирилади. Оқибатда 27 млн. 537 минг сўмлик ёқилғи, ишчиларга ойлик иш ҳақлари ва бошқа харажатлар асоссиз талон-торож қилинади.

Бундан ташқари, А.Илёсовнинг ўзи ўтирган маъмурий бинонинг ички ва ташқи қисмларида қурилиш ишларини олиб боришда ҳам қўшиб ёзишларга йўл қўйганлиги текширишларда ўз исботини топди.

Хуллас, ибтидонинг интихоси бўлди. Барча ноқонуний ишлар тергов давомида аниқланиб, суд томонидан жиноят содир этган мансабдорларга қилмишларига яраша тегишли жазо тайинланди.

Рашид Нозимов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) айни қирчиллама ёшда, Бухоро шаҳрилик бу йигит муқаллам 6 мартаба суланиб, қилмишига яраша жазоланган бўлса-да, "Тарки олат амри маҳол", деганларидек, бу гал ҳам қўнғир ишга қўл уришдан тийилмади. Яна жиноят содир этиб, суанинг қора курсисидан жой оли.

Тарки одат...

Раҳматилло ҲАМРОЕВ,

Бухоро туман прокурори ёрдамчиси

У 2011 йилнинг 22 декабрь куни кеч соат 22-00да фуқаро И.Зариповга тегишли Бухоро тумани, "Работи қалмоқ" ҚФЙ, "Зарафшон" боғдорчилик жамияти ҳудудида жойлашган дала ҳовлининг томорқа ерлари атрофидаги темир устунларга тортилган 100 метр, 1 млн. сўмлик симтўрни олиб, воқеа жойидан яширинди.

Рашид Нозимов бировнинг мулкига осонгина эғалик қилган, эртасига ҳудди ўша вақтда яна И.Зариповнинг томорқасига кириб, 70 метр темир устунларга боғлоглиқ 700 минг сўмлик симтўрни ўмариб кетади. Кетма-кет ўғирланган симтўрларни "Шехон" қишлоғига кираверишдаги қабристон яқинидаги йўлнинг четига бекитиб, уларни пуллаш ҳақида ўйлайди.

Яқшанба куни эрталаб Бухоро шаҳри деҳқон бозори олдидagi эски темир-тераск сотиладиган бозорга боради ва Бахтиёр исмли кишига симтўрларни 350 минг сўмга сотиб, пулини ўз эҳтиёжларига ишлатиб юборади.

Қонун ҳимоячиларининг сай-ҳаракатлари билан ўғри қўлга олинди. Темир симлар эгасига қайтарилди.

Суд ҳукми билан Рашид Нозимов ЖКнинг тегишли моддасига асосан 5 йил 6 ой муддатга озодликдан маҳрум этилди.

УНДА НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ЎРНИ

Расмий сайтимиз: www.1kms.uz.
Лицензия: RR-0001.
Хизматлар лицензияланган

"Фуқаролар қонун билан белгиланган солиқлар ва маҳаллий йиғимларни тўлашга мажбурдирлар"

Ўзбекистон Республикаси
Конституцияси, 51-модда

Солиқларни вақтида тўланг

Равшан НАСИМОВ,
Давлат солиқ қўмитаси бошқарма
бошлиғи ўринбосари

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 277 ва 294-моддаларига мувофиқ, солиқ даври учун жисмоний шахслар томонидан тўланадиган мол-мулк ва ер солиқларини тўлаш муддати ҳисобот йилининг 15 октябрга қадар белгиланган.

Маълумки, жисмоний шахслар томонидан тўланган мол-мулк ва ер солиқлари маҳаллий бюджет даромадларини тўлдириб, маҳаллий аҳамиятга молик тадбирларни молиялаштириш, шаҳар ва туманларни иқтисодий ривожлантириш, ободонлаштириш, шу билан бирга аҳолининг ижтимоий эҳтиёжларини қондиришга сарфланади.

Жисмоний шахсларнинг мол-мулк ва ер солиқлари ҳар йили 1 январь ҳолатига кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказувчи орган тақдим этадиган маълумотларга асосан ҳисоблаб чиқарилади.

Жисмоний шахслар томонидан турар-жой фонди объектлари нотурар жой фонди тоифасига ўтказилганда ёки улар томонидан нотурар жой фонди объектлари (бинолар, бинодаги хоналар) мулк сифатида харид қилинганда жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ юридик шахслар учун белгиланган ставка бўйича тўланади.

Шунингдек, жисмоний шахсларга тадбиркорлик фаолияти учун берилган ер участкаларидан солиқ юридик шахслар учун тасдиқланган ставкалар бўйича ундирилади.

Солиқ тўловчилар ҳисоблаб берилган мол-мулк ва ер солиқларини белгиланган муддатларда тўламаган тақдирда, Солиқ кодекси талабларига мувофиқ тўловнинг белгиланган муддатидан кейинги кундан эътиборан, муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорда пеня ҳисоблашга сабаб бўлади. Пеня ундирилиши солиқ тўловчинини солиқ тўлаш мажбуриятидан озод қилмай, аксинча мавжуд солиқ қарзига қўшимча равишда ундирилади.

Шу билан бирга, жисмоний шахс томонидан ўз вақтида тўланмаган солиқ қарзини узиш тўғрисидаги талабнома бажарилмаган тақдирда, давлат солиқ хизмати органилари қарзни жисмоний шахсдан ундириш тўғрисидаги ариза билан белгиланган тартибда судга мурожаат қилади ҳамда қарздорлик суд тартибиде мажбурий ундирувга қаратилади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 36-моддасига мувофиқ қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда ер солиғи мунтазам тўланмай келган фуқароларнинг бутун ер участкасига ёки унинг бир қисмига эгалик қилиш ҳуқуқи бекор қилинади.

Шундай экан, жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк ва ер солиқларини 15 октябрдан кечиктирмай тўлашни унутманг!



Пхеньянда илк 3D кинотеатр

Пхеньянда мамлакатдаги илк 3D кинотеатр фойдаланишга топширилди. Ушбу маданият даргоҳини дастлаб мамлакат раҳбари Ким Чен Ин кўриб, баҳо берди.

Ким Чен Ин қурилишга юқори баҳо бериб ўтarkan, бундай кинотеатрларни чекка жойларда ҳам барпо этиш кераклигини айтиб ўтди. Шунингдек, Корея раҳбари истироҳат боғида қурилган видеоўйинлар зали ва бадий жамоаларнинг чиқиши учун майдончани ҳам кўздан кечирди. Жумладан, Шимолий Кореяда бўлиб ўтадиган кўнгилочар тадбирлар бирмунча хавфли эканини ҳам таъкидлаш мумкин. Мисол учун, 2013 йил август ойи охирида Жанубий Корея оммавий ахборот воситалари КХДРда ватанпарварлик қўшиқларини ижро этган бир неча санъаткор қораланиб, ўлимга ҳукм қилингани ҳақида ахборот тарқатган эди.

Узоқ умр кўрувчилар сафи кенгайди

Японияда ёши 100 дан ошган кишилар сони ортиб бормоқда. Бу йил кунчиқар мамлакатдаги узоқ умр кўрувчилар сони 55 минг кишига яқинлашган, дея хабар тарқатили.



2013 йилда юз ёшдан ошган японларнинг сони ўтган йилга қараганда 3021 нафарга кўпайган. Аср билан юзлашган кексаларнинг 6791 нафари эркак бўлса, 47606 нафарини аёллар ташкил этади.

Улар орасидаги энг ёши каттаси осакалик Мисао Окава исмли аёл бўлиб, унинг ёши 115 да. У август ойида дунёдаги энг кекса инсон сифатида Гиннесс рекордлар китобида киритилган.

Кўринмас минора қад ростлайди



Энаникка Сеул шаҳри исталган пайтда йўқолиб қолиш хусусияти билан ажралиб туралган дунёдаги энг балана минорага эга бўлса ажаб эмас.

Кўринмас минора лойиҳасининг муаллифи — "GDS Architect" компанияси. Архитекторлар унга рамзий маънода "Tower Infinity" номини беришди. Бу инглиз тилидан олинган бўлиб, "чексизлик минораси" маъносини англатади. Сирли миноранинг баландлиги 450 метрни ташкил этади. У исталган пайтда тўсатдан йўқолиб қолиш хусусиятига эга бўлиши таъкидланмоқда. Яъни, махсус конструкцияси ва алоҳида ёритиш тизими туфайли кристалл минора кўзга кўринмас ҳолатга ҳам айланади.

"Tower Infinity"нинг қурилишидан мақсад кўнгилочар масканларни яна биттага кўпайтиришдир. Ҳайратланарлиси, миноранинг ичига томоша майдончалари жойлаштирилиб, у ердан Сеул шаҳрини бемалол томоша қилиш мумкин бўлади. Бундан ташқари, минорадан тўй маросимлари ўтказилиши учун махсус жойлар, театр ҳамда роллерлар учун майдонлар, рестороанлар, акваларк ва бошқа кўплаб кўнгилочар жойлар ўрин олади. Минорани замонавий ландшафт дизайнига эга ажойиб яшил боғ ўраб туради.

Ҳиндистон Марсга чиқа оладими?

Ҳиндистоннинг космик агентлиги Марс сайёрасини ўрганиш бўйича дастлабки режалари билан оммани таништирди.

Учувчиларсиз қизил сайёрага йўл оладиган фазовий кема у ерда метан билан боғлиқ кузатишларни амалга оширади. Ушбу парвозни мутахассислар 21-27 сентябрь кунлари ораллигида амалга оширишларини билдиришган. 83 миллион долларлик қурилма Марсга тўққиз ой ичида етиб бориши тахмин қилинмоқда.

Таъкидлашларича, ускуна сайёрада суратга олиш ишларини олиб боришга мўлжалланган бўлиб, инфракизил камераларга эга. Хабар беришларича, Ҳиндистоннинг Марсни ўрганиш борасидаги ҳаракатлари мамлакат иқтисодиётидаги ўсиш суръатларига таъсир кўрсатиши мумкинлиги боис, танқидга учраган.



Арзон авиачипталар

АҚШда компьютер носозлиги туфайли "United Airlines" компаниясининг авиачипталари 15 дақиқа давомида 10 доллардан сотилди.

Мамлакатда ушбу янгилик интернет орқали бир зумда тарқалган, одамлар бундан унумли фойдаланиш учун оммавий равишда чипталарни бронлашга киришилган. Хабарлардан воқиф бўлган united.com сайти рейсларга чипталарни бронлаш ва сотишни ўша заҳоти тўхтатган. Ҳозирча "United Airlines" компанияси қайси йўналишлар бўйича айнан нечта арзон чипта сотилганини айта олмаяпти. Компьютер носозлиги пайтида сотилган чипталар амал қилиш-қилмаслиги ҳам ҳозирча номаълум.



Олимларнинг сўзларига кўра, 18 сентябрдан 19 сентябрга ўтар кечаси уч метр келалиган фазовий объект ер яқинидан учиб ўтган.

Астероид австралиялик олимлар томонидан кашф этилди. Олимларнинг тахминларига кўра, ушбу самовий жисмининг ўлчами 1-3 метрни ташкил этади. Айни вақтда мутахассислар само жисмининг нимадан иборат эканини аниқ айта олмаяптилар. Кўринишидан у космик чиқинди парчаси ёки метеорит урилиши туфайли ойдан ажралиб чиққан тош бўлиши мумкин.

Астероид Ердан 235 минг километр масофада учиб ўтди. Бу ой орбитаси радиусининг ярмидан сал кўпроқ. Унинг тезлиги астероид учун жуда пастлиги ҳам қайд этилмоқда.

Энг хунук жонзот

"Хунук ҳайвонларни ҳимоя қилиш жамияти" деб аталувчи ташкилот ўзининг янги йўналишига овоз бериш натижаларини яқунлашти. Телетомошайнларнинг энг кўпи, яъни 10 мингтаси томчи баллиқа овоз беришди.

Хабарларга кўра, мазкур ташкилотга биолог ва телебошловчи Саймон Ватт раҳбарлик қилади. У флора ва фаунанинг хунук вакиллари муаммоларига жамоатчиликнинг эътиборини тортиш мақсадида ана шу овоз бериш жараёнига асос солди. Маълумотларга кўра ушбу томчи баллиқа Австралия ва Тасмания суварларида яшайди. Уни тановул қилиб бўлмайди, бироқ у тез-тез турга илгингани боис, йўқолиб кетиш хавфи юқори бўлиб қолган.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди



ЎРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

“Асака” банк (ОАЖ) жамоаси қуйидаги миллий валютадаги муддатли янги омонат турини таклиф этади.

Миллий валютада

«ФАРОВОН ТУРМУШ»

Омонатнинг сақланиш муддати 18 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар олдиндан ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади

«МУСТАҚИЛЛИК 2013»

Омонатнинг сақланиш муддати 12 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади

Хорижий валютада

«ИШОНЧЛИ» (АҚШ долларида)

Омонатнинг сақланиш муддати 12 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар олдиндан ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

Сизнинг омонатларингиз:

- ☒ солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод;
- ☒ маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади;
- ☒ эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда;
- ☒ миқдори чекланмаган.

“Асака” банк (ОАЖ) сармоянгиз сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди.

Ушбу омонат турини банкнинг барча филиалларида очиш мумкин. Мурожаат учун: «Асака» банк (ОАЖ) филиаллари телефонлари: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

Филиаллар	Код	Телефон
Тошкент шаҳар филиали	371	120-83-13
Автотранспорт филиали	371	120-39-95
Шайхонтоҳур филиали	371	140-39-36
Юнусобод филиали	371	221-80-67
Сирғали филиали	371	258-67-49
Тошкент вилоят филиали	371	120-84-13
Андижон вилоят филиали	374	224-40-96
Асака филиали	374	233-13-69
Фарҳод филиали	374	226-97-53
Фарғона вилоят филиали	373	224-70-83
Марғилон филиали	373	237-12-37
Олтиариқ филиали	373	432-10-11
Қўқон филиали	373	552-61-04
Наманган вилоят филиали	369	226-94-75
Навоний вилоят филиали	436	223-54-32
Зарафшон филиали	436	573-18-78
Бухоро вилоят филиали	365	223-71-94
Бухоро шаҳар филиали	365	770-11-27
Самарқанд вилоят филиали	366	231-08-86
Афросиёб филиали	366	221-77-56
Қашқадарё вилоят филиали	375	221-12-93
Сурхондарё вилоят филиали	376	770-82-12
Коркдалпоғистон филиали	361	770-60-59
Хоразм вилоят филиали	362	226-97-78
Сирдарё вилоят филиали	367	225-44-03
Жиззах вилоят филиали	372	226-43-11

Хизматлар лицензияланган

«UNIVERSAL REALTOR» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма – босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

Савдога Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 июлдаги “Тошкент шаҳар аҳолисини уй-жой ва коммунал шарт-шароитларини янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 209-сонли ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимининг 2013 йил 29 июлдаги 590-сонли қарорига асосан Тошкент шаҳар ҳокимлиги Бинолардан фойдаланиш департаментига қарашли Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Сайхун кўчаси, 19-уй манзилида жойлашган 2 қаватли бинонинг 1-қаватидаги умумий майдони 79 кв.метрга тенг бўлган қисми очиқ аукцион савдоларига қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси 72 672 000 сўм. Минимал закалат пули қиймати 10 900 800 сўм.

Аукцион савдоси 2013 йил 21 октябрь куни соат 11:00да Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Истикбол кўчаси, 15-уйда бўлиб ўтади. Буюртманомалар юқорида кўрсатилган манзилда расмий иш кунлари соат 10:00дан 16:00гача қабул қилинади. Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилишнинг охириги муддати: 2013 йил 18 октябрь соат 16:00да.

Ушбу кунда сотилмай қолган ва аукцион савдоси

бўлиб ўтмаган деб эътироф этилган давлат активининг такрорий аукцион савдолари 2013 йил 28 октябрь, 4 ва 11 ноябрь кунлари соат 11:00дан бошлаб ўтказилади. Такрорий аукцион савдолари учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилишнинг охириги муддати: 2013 йил 25 октябрь ҳамда 1,8 ноябрь кунлари соат 16:00да.

Аукцион савдоси ғолиблари савдо натижалари тўғрисидаги баённома имзоланган кундан бошлаб 20 кун муддат ичида сотувчи билан давлат активи олди-сотди шартномасини имзолаши, тўланган закалат пули миқдори ўтказилган савдо натижалари тўғрисидаги баённомада қайд этилган сотиб олиш тўлови суммасининг 15 фоизидан камини ташкил этса, етишмаётган суммани олди-сотди шартномаси тузилгунга қадар савдо ташкилотчисининг банк ҳисоб рақамига тўлаши шарт.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан “Закалат пули тўғрисидаги келишув”ни имзолагандан сўнг объект бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини “Universal Realtor” МЧЖнинг

ХОАТБ “InfinBANK” МФО-01041, СТИР-302 269 399, 20 208 000 804 975 228 001 ҳисоб рақамига тўлашлари ва қуйидаги ҳужжатларни буюртманомана билан бирга топшириши керак: юридик шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, аукционда тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; закалат пули тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжати нусхаси.

Қўшимча маълумот олиш манзили: 100047, Тошкент шаҳри, Истикбол кўчаси, 15-уй. Телефон: 150-35-55 Факс: 236-26-65 www.realtor.uz Email realtor@realtor.uz Лицензия RR-0127.

Хизматлар лицензияланган

Huquq
yuridik gazeta

Muassis:
O'zbekiston
Respublikasi
Bosh
prokuraturasi

Bosh muharrir:
Jahongir MAKSUMOV

Tahrir hay'ati:

Hakimboy HALIMOV Baxtiyor NAZAROV
Abbosxon SANGINOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Muxtor ZOIROV Kamoliddin ASQAROV
Gulnoza RAHIMOVA (mas'ul kotib v.b.)

Tahririyat manzili:
Toshkent shahri, Yahyo
G'ulomov ko'chasi, 66-uy.

Telefon: 233-98-40,
Faks: 233-10-53,
233-64-85

E-mail:
huquq@huquq-gazeta.uz

Gazeta haftanin payshanba kunlari chiqadi.
Sotuvda kelishilgan narxda

Tahririyatga kelgan qo'yozmalar taqiriz qilinmaydi va egalari qaytarilmaydi.
Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.
«HUQUQ» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
(*) – tijorat material.
Reklama materiallarining mazmunini uchun tahririyat javobgar emas.

Nashr ko'rsatkichi
231

Buyurtma J-8083.47 036 nusxada bosildi.
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.
Navbatchi muharrir: D.XALILOV
Musahhih: M.DAMBAROV
Navbatchi: O'.DEHONOV

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00.
Topshirildi: 20.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta «O'zbekiston» nashriyot matbaa ijodiy uyida chop etildi.
Korxona manzili: Toshkent shahar, Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 2009-yil 12-oktabrda 0188-raqam bilan ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-7617

